Оламни яшнатиб, дилрабо Наврўз,
Хуш келдинг ўлкамга, марҳабо Наврўз!

O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2011-yil 22-mart, seshanba ● **№ 11-12 (712)** ● 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ● elektron manzil: hurriyat@doda.uz ● www.uzhurriyat.uz

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига гўзал баҳор нафаси билан бирга барчамиз орзиқиб кутган Наврўзи олам кириб келмоқда.

Табиат очилиб, шаҳар ва қишлоқларимиз яшил либосга бурканиб бораётган мана шу лаҳзаларда сиз, қадрли ватандошларимни, бутун халқимизни Наврўз байрами билан чин юракдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Ҳурматли дўстлар!

Халқимиз ҳамиша шоду хуррамлик билан кутиб оладиган қутлуғ байрамлар ва саналар кўп. Лекин шу кунларда эл-юртимиз нишонлаётган Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, ҳар қандай сиёсатдан холи бўлган, узоқ ўтмиш замонлардан буён қадриятларимиз тимсоли бўлиб келаётган хосиятли бир айём, яшариш ва янгиланиш фаслидир.

Шарқона янги йил бўлмиш бу сана одамзот қалбида эзгу интилишларни уйғотиб, унга умид ва ишонч, шукроналик туйғуларини бағишлайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, эркагу аёл, ёшу қари — барча юртдошларимизнинг энг ардоқли, катта хурсандчилик билан ўтказадиган севимли байрамидир.

Бу бетакрор айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада, бағримизни кенг очиб, "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам, қадаминг қутлуғ бўлсин, юртимизга тинчлик-омонлик келтирсин!" деб қарши олиш азалий одатимизга айланиб қолган, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Ана шундай холисона, пок ниятлар билан заҳматкаш деҳқонларимиз офтоб нуридан тобора қизиб бораётган ерга уруғ қадаб, бепоён далаларимиздан мўл ҳосил ундириш мақсадида янги меҳнат мавсумини бошламоқда.

Бугун мана шу мунаввар дамларда ҳаммамизнинг тилагимиз: фидойи деҳқон ва фермерларимизнинг, барча меҳнатчиларимизнинг бахтини, омадини берсин, ишлари бароридан келсин.

Наврўз шукуҳи, кўклам шабодаси уфуриб турган шу дилбар фаслда инсон табиат билан янада яқинроқ ва уйғун бўлиб яшашга, ён-атрофидаги одамларга, оиласи, ёр-дўстларига ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ ҳурмат ва эҳтиром, меҳр ва эътибор билдиришга эҳтиёж сезади, сумалак ва ҳалим, кўксомса каби тансиқ, ҳақиқатан ҳам миллий таомларимизни улар билан бирга баҳам кўришга интилади.

Маҳалла-кўй, эл-юрт билан аҳил бўлиб, кўмакка муҳтож бўлган инсонларга, ногирон ва беморларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларнинг дуосини олиш сингари азал-азалдан халқимизга мансуб бундай олижаноб фазилатларимиз айни шу кунларда ўзининг яққол тасдиғини топишини кузатиш мумкин.

Шуни айтиш керак — кимки халқимизнинг меҳрибонлиги ва бағрикенглигининг ёрқин ифодаси бўлмиш ана шундай ноёб одатларимизнинг намойишини кўрса, уларнинг чуқур инсоний маъносини англаса, ҳеч шубҳасиз, доимо ҳайратда қолиши муқаррар.

Наврўз руҳи, Наврўз фалсафаси билан ҳамоҳанг бўлган ўлмас шарқона қадриятларни неча-неча асрлар давомида безавол асраб-авайлаб, сақлаб келаётган халқимизга ҳар қанча тасаннолар айтсак, арзийди, албатта.

Қадрли юртдошларим, азизларим!

Бугун Ўзбекистонимизнинг тараққиёт йўлида барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани, бизнинг асосий мақсадимиз бўлмиш янги жамият, янги ҳаёт қуриш, халқ фаровонлигини юксалтириш, ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб жой олиш учун қатъий қадамлар қўяётганимизни халқаро жамоатчилик эътироф этаётгани ҳаммамизни қувонтиради ва янги куч-қувват бағишлайди, албатта.

Аввало, халқимизнинг оғир ва машаққатли меҳнати, ўз кучимиз ва салоҳиятимизни оқилона ишлатиш ҳисобидан эришаётган юксак натижа ва марраларимиз ҳақида гапирганда, эътиборингизни икки масалага алоҳида жалб этишни зарур, деб биламан.

Биринчидан, бугун мана шундай хавфли-таҳликали, ўта нотинч бир даврда, жаҳон молиявий инқирози ҳалибери давом этаётган пайтда эл-юртимиз нимаики натижаларни қўлга киритмасин, буларнинг барчаси юртимизда тобора мустаҳкам бўлиб бораётган тинчлик ва осудалик, миллатлар, динлар ва фуқароларо тотувлик ва аҳиллик, бир-биримизга ҳурмат ва эҳтиром ҳисобидан, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Бундай ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайдиган бойликни кўз қорачиғидек асрашимиз ва сезгир бўлишимизни замоннинг ўзи талаб этади.

Иккинчидан, биз ҳаётимизда эришаётган ютуқ ва марраларни халқаро ҳамжамият билан ҳамнафас бўлиб, узоқ ва яқин, аввало, қўшни давлатлар билан ҳамкорликда иш тутишимизнинг самараси сифатида кўрамиз ва бундай ҳамкорликни янада кучайтириш тарафдоримиз.

Наврўз руҳи барчамизни айни шундай орзу-ниятлар ва интилиш билан яшашга даъват этади.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай шодиёна кунда шу юксак минбардан туриб, бугунги тантанамизда биз билан бирга иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига, бизга хайрихоҳ бўлган барча дўсту биродарларимизга миннатдорлик билдириб, уларни Наврўзи олам билан самимий қутлашга рухсат бергайсиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Бугунги унутилмас, улуғ айёмда нуроний отахон ва онахонларимизни, мунис опа-сингилларимизни, навқирон ёшларимизни — ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган менинг фарзандларимни яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Азиз бошингиз омон, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

Ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, меҳр-оқибат, бахту саодат ёр бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



Бунёдкорлик, меҳр-мурувват ва эзгу орзулар айёми

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

Майин офтобнинг заррин нурлари қалбларга ажиб бир илиқлик олиб киради. Насим эпкини юзни силаб ўтади. Булар янгиланиш фасли — баҳордан дарак.

Яшилликка бурканган она табиат барчани ўз бағрига чорлайди. Ялпиз тераётган болакайлару чаккасига гул тақкан қизлар кулгуси атрофга таралади. Мусаффо осмон бағрида чарх ураётган қалдирғочлар қўшиғи оламни тутади...

Юртимизга биз орзиқиб кутган, ҳаёт абадийлиги, табиатнинг устувор қудрати ва чексиз саховатининг бетакрор ифодаси, халқимизнинг тийнатию минг йиллик миллий қиёфасини ўзида мужассам этган Наврўзи олам кириб келди. Борлиқдаги уйғониш ва янгиланиш тимсоли бўлган Наврўз халқимизнинг неча минг йиллик тарихи, одамийлик, меҳр-оқибат, мурувват ва ҳиммат каби эзгу фазилатлари умрбоқий эканидан мужда беради.



21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга ҳукумат аъзолари, депутатлар ва сенаторлар, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10.30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон баҳорнинг, Наврўзи оламнинг фусункор тароватини ўзида мужассам этган. Мусиқа оғушида жонланаётган турфа гуллар, майин шабода, қушлар чуғур-чуғури ажиб бир уйғунлик билан қалбларга жо бўлади. Қуёшнинг заррин нурларида жилоланаётган камалакранг баҳор чечаклари, қирадирлар манзараси барчага янгиланиш айёми шукуҳини бахшида этади.

Халқимиз бу йил Наврўзни алоҳида тайёргарлик ва кўтаринки руҳ билан кутиб олмоқда. Бу истиқлолининг йигирма йиллигини қаршилаётган озод юртимизнинг йигирманчи Наврўзидир. Президентимиз Ислом Каримов жасорати билан халқимизга қайтариб берилган, истиқлол туфайли қадр топган асл миллий байрам, бирдамлик шодиёнаси.

Йигирма йиллик мустақил тараққиёт йўлининг ҳар бир йили, ҳар бир довони залворли ютуқлар, бетимсол ўзгаришлар билан Ватанимиз тарихи зарварақларига битилмоқда. Тарихан қисқа давр ичида миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетини ҳисобга олган ҳолда замонавий демократик давлат қуришнинг мустаҳкам пойдевори қўйилди ва мустаҳкамланди. Йигирма йил ичида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётган, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмаси юқори, банк-молия тизими барқарор етакчи мамлакатлар сафидан жой олди.

2 »

ИЖТИМОИЙ ҲАЁТ

БУНЁДКОРЛИК, МЕҲР-МУРУВВАТ ВА ЭЗГУ ОРЗУЛАР АЙЁМИ

(Боши 1-бетда.)

Шундай фараҳбахш дамларда она табиатда рўй бераётган яшариш, янгиланишларни қалбидан ўтказаётган ҳамюртларимизнинг кўнглида шодлик, яна бир Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етганимиз, элу юртимиз тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик туйғулари жўш уради.

Қалблардаги Наврўз завқи фусункор майдонга кўчади. Байрамни мадҳ этувчи саррин куй оғушида кўз ўнгимизда баҳорнинг ажиб манзаралари, она юртимизнинг бетимсол таровати — олранг лолалар, ям-яшил қир-адирлар, гулларга бурканган водийлар, боғ-роғлар намоён бўлади.

Мафтункор саҳнада фольклор ва этнографик жамоаларнинг ранг-баранг ашула ва рақслари бошланади. Шўх яллаларда, полвону чавандозлар чиқишида Наврўзнинг хилма-хил ва ноёб қирралари намойиш этилади...

Озод элнинг орзуси ҳам гўзал. Эзгулик ва яхшилик улуғланган Наврўз қадриятлари ҳаётимиздан мустаҳкам жой олган, энг яхши анъана ва одатларимиз Наврўз билан уйғунлашган.

...Наврўз чинакам баҳор байрами, инсон руҳини кўтарувчи, қувонч бағишловчи илиқ туйғулар, эзгуликлар айёмидир. Эртамизнинг эгалари бўлган болалар чиқишларида ҳам бу ўз ифодасини топади. Уларнинг майдон узра янграётган шўх-шодон кулгулари, мустақил юртнинг баркамол фарзандлари ижросидаги она Ватанни, кўкламни, бахтиёр болаликни мадҳ этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ улашади. Наврўз, Ёшлик ва Баркамолликнинг нақадар уйғунлиги кўз ўнгингизда гавдаланади...

Баркамол авлодни тарбиялаш халқимизнинг энг эзгу қадриятларидан. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг энг муҳим вазифаларидан этиб белгиланди. Ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнида уларнинг интеллектуал салоҳиятини, маънавиятини юксалтириш, жисмонан чиниқтиришнинг самарали механизми шаклланди.

Ўтган 2010 йил — Баркамол авлод йилида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Фарзандларимизга жаҳон таълим стандартлари асосида билим бериш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш мақсадида пойтахтимиз ва вилоятларда ўнлаб таълим муассасалари, замонавий тиббий ускуналар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, мусиқа ва санъат мактаблари барпо этилди.

Халқимиз Наврўзни яшариш ва навқиронлик палласига менгзайди. Бу нафақат табиатда, айни пайтда ҳаётимиз, тутумларимиз, турмуш тарзимизда ҳам ўз ифодасини топади. Қир-адирларда, яшилликка бурканган табиат қўйнида бошланган Наврўз сайиллари сочларига толбарг тақкан қизлар айтишуви, бўз йигитларнинг спорт ўйинлари, онахонлар пиширган сумалагу ҳалим, ҳазилу аскиялар билан янада завқли, янада шукуҳли бўлади.

...Янграётган завқли мусиқа, ўйин-кулгу ва шўх рақслар бутун майдон узра акс-садо беради. Юраклар жунбушга келади. Фахр-ифтихор туйғуси, эзгулик, саховат тантанаси дилларни дилларга боғлайди.

Фарзандлар камолотида спортнинг ўрни беқиёс. Неча минг йиллик тарихга эга Наврўз тантаналарида спорт мусобақаларига алоҳида ўрин берилиши ҳам бунинг яққол тасдиғидир. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган улкан эътибор юксак самаралар бераётир. Бугун жаҳон ареналарида ёш спортчиларимиз қўлга киритаётган ютуқлар халқаро миқёсда Ватанимиз обрўсини янада юксалтирмоқда, ўзбек фарзандларининг улкан салоҳиятини намойиш этмоқда.

Истиқлол йилларида юртимизда 1 минг 200 дан зиёд янги спорт иншооти барпо этилди ва уларнинг мингдан ортиғи қишлоқ жойларда қурилди. Бу фарзандларимиз спортнинг кўплаб турлари билан мунтазам шуғулланиши учун имконият яратди. Айниқса, қизларни спортга жалб этиш, улар ўзига мос спорт турлари билан шуғулланиши учун кенг шароит яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, бадиий гимнастикани ривожлантириш дастури қабул қилингач, спортнинг ушбу нафис тури билан шуғулланадиган қизлар сони 2010 йилнинг ўзида 6-7 баробар ортди.

Бу улкан ишлар самарасини спортчиларимиз қўлга киритаётган муваффақиятлар, медаллар шодасида ҳам яққол кўриш мумкин. 2010 йили Хитойда ўтказилган ёзги Осиё ўйинларида бадиий гимнастика бўйича қизларимиз иккинчи ўринни эгаллади. Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медаль жамғариб, кучли саккизликдан жой олди. Ҳиндистоннинг Деҳли шаҳрида ўзбек кураши бўйича ёшлар ўртасидаги VI жаҳон чемпионатида Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзолари иккитадан олтин ва кумуш ҳамда саккизта бронза медални қўлга киритди. Пойтахтимизда футбол бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида мамлакатимиз ўсмирлар терма жамоаси кумуш медаль ва жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритди.

Агар 2005 йилда юртимизда мутлақо соғлом болалар кўрсаткичи 52,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу рақам 62,6 фоизга етди. Сўнгги беш йилда мамлакатимизда спорт билан шуғулланадиган 10-14 ёшдаги болаларнинг бўйи ўртача 2,3, қизларнинг бўйи 2 сантиметр ўсган, вазни эса тегишли равишда 2,6 ва 2,9 килограмм ошган. Мана шу рақамларнинг ўзиёқ жисмоний тарбия ва спорт ҳаётимизга янада чуқур кириб бориши, болалар спортини ривожлантиришнинг беқиёс натижаларини кўрсатади.

...“Ҳар тунинг қадр ўлубон, ҳар кунинг бўлсин Наврўз”. Мутафаккир бобомиз Алишер Навоийнинг бу боқий сатрлари Наврўз ҳар бир инсон самимий, тоза ниятларини, туйғуларини юзага чиқарадиган, севинчлари, орзу-ниятларини, умидларини дўстлари, биродарлари билан баҳам кўрадиган қутлуғ кун эканини намоён этади. Бу жиҳатлар юртимиздаги барқарорлик, мамлакатимизда яшаётган турли миллат вакиллари ўртасида дўстлик ва тотувлик тобора мустаҳкамланаётгани, юртдошларимизнинг она табиатга меҳр-муҳаббати, маънавий қадриятларга садоқатида ҳам ўз инъикосини топмоқда.

Инсон шаъни ва қадр-қимматини ҳамма нарсадан устун қўйиш, кўмак ва мададга муҳтожларга беминнат ёрдам бериш, тинч-осойишта ҳаётни асраш ва мустаҳкамлаш йўлида ўзини аямасдан хизмат қилиш халқимизнинг энг буюк қадриятларидан. Давлатимиз раҳбари томонидан юритилаётган ана шу фазилатларга хос оқилона сиёсат бугун дунё жамоатчилиги томонидан кенг эътироф этилмоқда.

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримовнинг БМТ Бош Ассамблеясининг Мингйиллик ривожланиш мақсадлари бўйича олий даражадаги ялпи мажлисидаги нутқида минтақамизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш борасида илгари сурилган фикрлар кенг қўллаб-қувватланди. Саммит иштирокчилари Ўзбекистонда Мингйиллик декларациясида белгиланган мақсадларга эришиш йўлида амалга оширилаётган ишларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда ҳар бир байрамнинг ўзгача шукуҳи бор, — дейди байрам тантанасида иштирок этган Малайзиянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Абдул Азиз. — Наврўз байрамининг ўзига хос қиёфаси мени мафтун қилди. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юзкўзидаги қувонч ва шодлик юртимиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан дарак бериб турибди.

...Халқимизда азалдан янги йилнинг серҳосил ва омадли бўлиши Наврўзнинг қандай келишига, уни қандай кутиб олишга боғлиқ, деб бежиз айтилмайди. Шу маънода, жорий йил давлатимиз раҳбари томонидан Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, деб эълон қилингани деҳқону фермерларимизга, ҳунарманду тадбиркорларимизга қанот бағишламоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Мазкур соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Юртимизда 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 8,5 фоизни ташкил этди. Жаҳон молия институтларининг хулосасига кўра, бу дунёдаги энг юқори кўрсаткичлардан биридир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5 фоизни ташкил этди.

Рўзғорида фаровонлик, оиласида тинчлик бўлсагина кишига байрамлар, тўй-тантаналар татийди. Мамлакатимизда аҳоли даромадларини муттасил ошириш ҳамда турмуш сифатини яхшилаш, бандлигини таъминлаш масаласи давлатимизнинг доимий эътиборида. Мазкур йўналишда ўтган йили амалга оширилган кенг кўламли чора-тадбирлар самарасида 950 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилди. Аҳолининг реал пул даромадлари 2009 йилга нисбатан 23,5 фоизга ўсди. Бугунги кунда ҳар юз оилага ўртача 132 телевизор, 99 холодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 12 шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келиши халқимиз юксак турмуш даражасининг амалдаги ифодасидир.

Деҳқон ва фермерлар, тадбиркорларимизга яратиб берилаётган кенг шарт-шароит туфайли бугун улар ўзлари етиштирган маҳсулотни қайта ишлаб, замон талаблари асосида истеъмолчиларга етказиб бермоқда. Юртимизнинг чекка қишлоқларида ҳам ўнлаб кичик корхоналар ишга туширилиб, рақобатбардош сифатли маҳсулот ишлаб чиқарилаётир. “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури асосида жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга кенг эркинлик бериш, мазкур соҳанинг экспорт салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик туфайли юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқараши ўзгарди. Бир пайтлар хусусий заводи ёки фермаси у ёқда турсин, кичкинагина дўкони бўлиши мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмаган кишилар бугун мулк эгалари, катта ер соҳиблари сифатида юрт тараққиёти, халқ фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Фермерлик ҳаракати мамлакатимиз иқтисодиётининг тобора етакчи кучига айланаётир. Пахта хомашёсини тайёрлашдан боши чиқмаган деҳқонларимиз бугун ғалла ва бошқа озиқ-овқат экинлари етиштириш борасида катта тажриба тўплади. Бир сўз билан айтганда, фермерлик ҳар бир деҳқонга ўз меҳнатининг самараларидан мустақил баҳраманд бўлиш, эл-юрт дастурхони тўкинлигини таъминлаш имкониятини бераётир.

— Байрамни томоша қилар эканман, мустақил юртимнинг йигирма йиллик ҳаёти кўз олдимга келди, — дейди Фарғона вилояти Риштон туманидан ўқитувчи Мавлуда Усмонова. — Тарихан қисқа вақт ичида Президентимизнинг оқилона сиёсати туфайли юртимиз қандай ютуқларга эришганини мана шундай тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам кўриб турибмиз. Ёшларимиз иқтидори, шижоатини кўриб, азиз Ватанимнинг келажаги порлоқ, эртаси ёруғ эканини яна бир бор қалбдан ҳис қилдим.

...Қўшиқлар қўшиқларга уланади. Саҳнада ижро этилаётган Наврўз удумлари, маросимлар, спорт ўйинларидан кўринишлар қизигандан-қизийди.

Ўзбекистон бугун жаҳонда ўз сўзига, ўз ривожланиш моделига эга. Ватанимизнинг тараққиёт йўли кўплаб мамлакатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан намуна сифатида эътироф этилаётир. 2010 йил май ойида Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгаши 43-йиллик мажлисининг Тошкентда ўтказилиши бунинг яна бир тасдиғи бўлди. Ушбу нуфузли анжуманда иштирок этган халқаро ташкилотлар ва хорижий делегациялар раҳбарлари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳам Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор ривожланаётганини алоҳида таъкидлади.

Юртимиздаги қулай иқтисодий муҳит хорижлик бизнес вакилларининг қизиқишини оширмоқда. Мамлакатимизда 2010 йилда 9,7 миллиард АҚШ долларига тенг миқдордаги инвестициялар ўзлаштирилди. Натижада 200 дан зиёд лойиҳа амалга оширилди, ўнлаб ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилди.

Биргина автомобиль ишлаб чиқариш саноатининг жадал ривожланаётгани мамлакатимиз юксак салоҳиятини намоён этади. Асака автомобиль заводидан чиқаётган замонавий енгил машиналарга бўлган талаб нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам изчил ошаётгани нуфузли ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда.

Ўтган Наврўздан бугунги айёмгача мамлакатимизда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Табиатга тирикликни, одамлар учун янги меҳнат палласини бошлаб берадиган бу қутлуғ байрамда пойдевори қўйилган улкан ишлар ўз самараларини бермоқда.

Юртимизнинг барча ҳудудларида, чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаган намунавий лойиҳадаги кўркам уй-жойлар барчанинг ҳавасини тортмоқда. 2010 йили қишлоқ жойларда яшаш учун шаҳардагидан кам бўлмаган шарт-шароитга эга ана шундай 6,8 минг уй-жой барпо этилди. Айни пайтда янгидан қурилаётган турар-жой массивларида замонавий муҳандислик-коммуникация иншоотлари бунёд қилинмоқда. Кенг ва равон йўллар, табиий газ, ичимлик сув тармоқлари, электр узатиш линиялари қишлоқларимиз қиёфаси ва шароитини янги босқичга олиб чиқаётир.

Бу йил юртимиз бўйлаб яна бир хайрли ташаббус қулоч ёзди. “Ватанимиз мустақиллигининг йигирма йиллигига йигирма туп кўчат — менинг туҳфам” шиори остида ҳар бир юртдошимиз пок ният, эзгу мақсад, эртанги кунга ишонч билан мевали ва манзарали дарахт кўчатларини ўтказмоқда.

...Қалб торларини чертиб халқимизнинг бебаҳо маънавий хазинасидан жой олган мумтоз наволар янграйди. Жозибали куй-қўшиқлар, жилвакор рақслар баҳорни, Наврўзи оламни тараннум этади...

Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маънавиятимизни юксалтириш, халқимизнинг тарихи, ўзига хос урф-одат ва анъаналари, ҳаётий қадриятларини тиклаш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётир.

Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, ҳар қайси жамиятнинг демократик нуқтаи назардан янгиланиши ва юксалиши шу жамиятнинг, шу давлатнинг тараққиёти маҳсулидир. Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида Президентимиз томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида юртимиз тараққиёт йўлининг навбатдаги устувор йўналишлари белгилаб берилди. Халқаро миқёсда кенг эътироф этилаётган ушбу Концепция “Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилини амалга ошириш, мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократлаштириш бўйича бошланган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кенгайтириш, олдимизга қўйган юксак тараққиёт марраларига эришишга хизмат қилади.

...Муаззам саҳнада эстрада хонандаларининг чиқишлари қалбларга сурур бахшида этади, юраклар жунбушга келади. Қўшиқларда Ватан, ёшлик ва муҳаббат мадҳ этилади.

Жаннатмонанд юрт тароватини, буюк халқнинг тийнати ва бунёдкорлик руҳини мужассам этган Наврўз янгиланиш фаслини, эзгу мақсадлар, орзу-умидлар, янги ва янада юксак марраларни бошлаб беради.

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз тантаналари давом этмоқда.

Хусниддин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
БАРЧА ТУРДАГИ КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ
ПОЧТА АЛОҚАСИ
хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 233-57-47,
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

Шукуҳ

КЎНГИЛДА ЯШАРИШ, ҚАЛБДА ПОКЛАНИШ

Мафтункор борлиқ узра табиат жонланмоқда. Қиш уйқусидан уйғонган она табиат янги кунни кутиб олмоқда. Дилни соғинтирган баҳор насими билан чор атрофга таралаётган ёқимли ифор димоққа урилади. Баҳорнинг хуш сабоси, хуш навосидан майин тебранаётган сабзалар нафис поёндоздек кўзни қувнатади. Ўрик шохида лаб очаётган ғунчаларда кўклам. Варрак ипларини маҳкам тутганча югуриб кетаётган болакайлар, арғимчоқ учиб шодланаётган қизалоқларнинг юз-кўзида баҳор сурури...

Табиатдаги уйғониш, яшариш ва янгиланиш юртимизга боқий байрам, меҳр-оқибат, қут-барака элчиси — Наврўзи олам кириб келганидан дарак беради. Кишилар қалбига чексиз қувонч бағишлайдиган бу айём неча йиллар, ҳатто асрлардан буён асраб-авайлаб, эъзозлаб келинаётган гўзал қадриятларимиздан саналади. Бетакрор, соҳир ҳислар оғушида яшаётган юртдошларимиз тилида яна Наврўзга, гўзал ҳаётнинг бебаҳо неъматларига эсон-омон етгани, элу юрт тинчлиги ва фаровонлиги учун шукроналик.

Айём ҳар гал ташриф буюрганда кўнгилларда яшариш, қалбда покланиш қайта-қайта жўш уради. Булоқда жилдираб оққан тиниқ сув мисоли шаффоф туйғулар юракнинг қатқатидан сизиб чиқаверади.

Наврўзга барчамиз хуш кайфият, янги орзу-умидлар билан пешвоз чиқамиз. Ушбу байрамнинг инсоният ҳаётида алоҳида ўрни мавжудлиги туфайли 2009 йилда ЮНЕСКОнинг “Инсониятнинг номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати”га киритилди. Бу, табиийки, ҳар биримизга чексиз ғурур бағишлайди.

Дарвоқе, Наврўз азал-азалдан покизалик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат тимсоли ҳисобланган. Ота-боболаримиз қутлуғ кунлар арафасида хонадонлар, кўча ва маҳаллаларни ораста қилишган. Саховатпеша инсонлар кўнгли ярим, етимесирлар, бева-бечоралар, муҳтожлар, беморлар холидан хабар олишга, меҳр, мурувват кўрсатишга шошилган. Шу куни гина-кудуратлар унутилган, аразлашганлар ярашиб олган.

Ҳар галгидек бу йил ҳам халқимиз боқий байрамни алоҳида тараддуд билан кутиб олишга ҳозирланмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари бошлаб юборилди. Куни кеча юртимизда умумхалқ ҳашарлари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар жойлари обод этилди. 36,5 минг гектар ҳудудда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. 26 минг километр узунликдаги ариқ-зовурлар тозаланди. Янги экилган 40 миллион тупга яқин турли дарахт ва гул кўчатлари эртага бўй чўзиб бугунги кунлар шукуҳи ва тароватидан дарак беради, шубҳасиз.

Наврўз — баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик айёми. Байрам баҳона ташкил этиладиган сайилларда ҳофизлар хониш қилади, бахшилар дўмбира чертади, яллаю лапарлар янграйди. Халқимизга хос бўлган миллий спорт турлари — улоқ, кўпкари, халқ ўйинлари, кураш билан бир қаторда эпчиллигу чаққонликни намоён этадиган кўплаб спорт мусобақалари уюштирилади. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъати билан дилларга хушнудлик улашади. Дастурхонларни баҳорий таомлар безайди. Айниқса, баҳорнинг минг дардга даво, дармондориларга бой таомлари — сумалак, ҳалим, кўк сомса, чучваралар тайёрлашнинг гашти бўлакча.

Шу билан бирга, Наврўз бунёдкорлик ва яратувчанлик фаслидир. Анъанага кўра ҳар Наврўз арафасида янги ишлаб чиқариш объектлари, таълим ва тиббиёт муассасалари, спорт мажмуалари фойдаланишга топширилади. Тобора чирой очиб бораётган юртимизнинг қай бир гўшасига борманг, муҳташам ва кўркам турар жой бинолари салобат билан кўрк тўкиб турганлигининг гувоҳи бўласиз. Бевосита Юртбошимиз ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари замирида қишлоқларда қурилаётган замонавий уй-жойларнинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлаш жоиз. Намунали турар жой лойиҳалари асосида қад ростлаётган биноларда бугун ҳаёт қайнаяпти.

Наврўз шунчаки шодиёна, бир кунлик, икки кунлик қувонч ифодаси эмас. У инсон қалбидаги ҳис-туйғулар силсиласини, ботиний эврилиш ва пўрталаналарни табиатдаги сирлар хазинаси билан чамбарчас боғлайдиган янгиланиш, ўзгариш ва такомиллашиш палласидир. Дунёнинг ўткинчилиги ва боқийлигини, инсоннинг бахт ва қайғусини ўзида мужассам этгани билан алоҳида маъно касб этади.

Наврўзнинг вужудга келиши ҳақида жуда кўп афсонаю ривоятларда, тарихий манбаларда маълумотлар битилган. Жумладан, Абу Райҳон Беруний Наврўзни дунёнинг яратилишига қиёс қилади. Унинг “Осорул боқия” асарида ёзилишича, ўша куни ҳаракатсиз коинот айланиб, бир жойда қимирламай турган юлдузлар ҳаракатга келган ҳамда қуёш кашф этилган экан. Демак, Наврўзнинг пайдо бўлиши Ўрта Шарқ ҳудудида одамзот пайдо бўлиб, унинг онги, дунёқараши ўсиб, оламни ва табиатни англай бошлаши даврига бориб тақалади.

Ҳар қанча таърифу таҳсинга лойиқ, илдизлари қадимийликка бориб тақаладиган Наврўз биз учун ҳамиша улуғвор ва қадрли бўлиб қолаверади. Эзгулик, олижаноблик, меҳнатсеварлик сингари инсоний фазилатлар қон-қонига сингиб кетган маънавияти юксак, қадди ва қадри баланд халқимиз ушбу байрам орқали ўзлигини яна бир карра намоён этаётгани кўнгилга чексиз ғурур бағишлайди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
Hurriyat” мухбири

Таҳририят почтасидан

САДАҒАНГ КЕТАЙ, ОҒХТИРЖОН!

Ёхуд шифокорнинг тиббий маданияти ҳақида сўз

Сурункали хасталикка чалинганим боис кўпинча умид ва ишонч билан, баъзида юракни ҳовучлаб тез-тез шифокорлар қабулига бориб тураман. Ҳар гал уларга учраганимда: «Аввалгидан кўра анча яхшироқсиз. Бардам бўлинг! Тез орада соғайиб кетасиз», деб кўнглимни кўтаришади.

Ўзимча ўйланиб қоламан: дунёда мана шу касбдан улуғроқ, муқаддасроғи бўлмаса керак. Ахир, қанчадан-қанча одамларнинг дуосига, раҳматига мушарраф бўлишади, улар! Ана шундай фидойи шифокорларга ҳавасим ортади.

Бугун сизларга ушбу мулоҳазамни йўллаётганимдан мурод шуки, ҳар қандай беморнинг дарддан халос бўлиб, соғайиб кетишида шифокорнинг тиббий маданияти муҳим аҳамият касб этади.

Ана шу олижаноб касбий фазилат ҳақида шифокорларимизнинг ўзлари қандай фикр-мулоҳазалар билдиришаркан?

Муродилла ИНОҒОМОВ
Фарғона шаҳри

ТАҲРИРИЯТДАН. Мухбиримиз ана шу мавзуда ўз фикрлари билан ўртоқлашишни Фарғона шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сонли шифохонанинг урология бўлими мудири, кўп йиллардан буён ўз касбини ардоқлаб келаётган олий тоифали жарроҳ Раҳматжон Ражабовдан илтимос қилди.

— Шифо докторнинг қўлида эмас, нафасида деган гап бор. Ҳар қандай дарднинг чекиниши шифокорнинг очиқ чеҳраси ва хуш муомаласи, умидбахш хулосасидан бошланади.

Фарғоналик машҳур жарроҳ, устозимиз Хайрулла Исоқовнинг мана бу ўгитлари ҳали-ҳануз қулоғимда жаранглайди: «Ҳар қанча дардинг, ташвишу юмушинг бўлсаям, ҳаммаси шифохона дарвозасидан ташқарида турсин. Ичкарида сен фақат беморлар ҳаёти учун масъулсан. Юрагингни бўлаклаб-бўлаклаб, уларга улашиб яшашинг керак. Ҳар гал сенинг қўлингдан шифо топиб кетганларга дуч келганингда, ўша улашилган юрагинг бўлаклари ўзингга қайтиб, тоғдай ғурур бағишлайди». Менимча, тиббий маданият худди ана шу хусусиятдан бошланади. Кўзларидан эзгулик шуъласи ёғилиб турган, ширин сўзли, ҳаётингиз учун фидойи шифокорни боқибеғам, хаёли ниманингдир илинжида бўлган врач билан солиштириб кўринг. Биринчисидан дилингиз равшан тортади. Хаста жисмингизда енгиллик ҳис этасиз. Иккинчиси эса юрагингизда қутқу уйғотади, дардингиз қайта оғирлашгандек бўлади.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишнинг собиқ шўро давридаги ғариб шароити ва қўлбола усуллари эндиликда тарихда қолгани рост бўлсин. Юртбошимизнинг тиббиёт тизимига кўрсатаётган алоҳида ғамхўрлиги туфайли бугун Ўзбекистон инсон саломатлиги муҳофазаси бўйича энг пешқадам давлатлар қаторидан жой олди.

Ҳар қандай мураккаб касаллик ҳақида ҳам аниқ маълумот бера оладиган электрон-тиббий ускуналарга, тезкор, самарали даволаш воситаларига ва, албатта, етарли моддий шароитларга эга бўлган бугунги шифокорнинг бурчи тақозо этадиган амаллардан бироз бўлса-да, оғиши кечириб бўлмас ҳол, албатта. Шифокорнинг тиббий маданияти эса, энг аввало, ўз бурчига бўлган ҳалол муносабатига, беморлар билан муомала даражасига, ўз малакасини муттасил такомиллаштириб боришига қараб белгиланади.

Мен узоқ йиллардан бери ишлаётган шифохона вилоят марказининг энг тўнғич ва йирик тиббий муассасаларидан бири. Шифохонамизда қарор топган кўп йиллик ажойиб анъана — инсон саломатлиги учун курашишни ҳамма нарсадан устун қўйиш, уни шогирдларимизга етказиш юксак инсоний бурч эканини ҳар бир ҳамкасбим яхши англайди. Шифохонамизда даволаниб чиққан беморларнинг бу ердаги қатъий тартиб-интизомдан, даволашнинг тезкорлиги ва самарасидан, тиббиёт ходимларининг юксак маданиятидан миннатдорлик акс этган дил изҳорлари кўнглимизни тоғдай кўтаради.

Биз яшаётган олам қуёш нури билан чароғон бўлганидек, инсоннинг очиқ чеҳраси, ширин каломи, ҳамиша эзгулик ва умид билан уйғун тилаги ҳаёт бардавомлигига озиқ беради. Айниқса, беморлар, хаста диллар учун. Бу ўринда асосий вазифа шифокорлар гарданида эканини ҳеч қачон унутмаганлар кам бўлмайдилар.

С.ҚАҲҲОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
корхона ва ташкилотларга КУРЬЕРЛИК хизматини таклиф этади
Телефон: (8 371) тел: 233-57-47; факс: 236-09-21
Сайт: www.pochta.uz; e-mail: oao@post.uz

Таҳлил

СПОРТ ВА ЖУРНАЛИСТИКА

Мамлакатимиз спортчиларининг халқаро мусобақалардаги иштироки, соҳада эришилаётган ютуқлар ҳақида деярли ҳар куни оммавий ахборот воситаларида хабар ва репортажларни, шарҳларни ўқиймиз, эшитамиз. Шубҳасиз, бу эзгу ишларни амалга ошираётган, мухлисларга ўз вақтида маълумотларни етказиб бераётган спорт журналистларининг заҳматли меҳнати, иш усуллари ва шароитлари ҳақида билиш газетхонларимизни қизиқтиради, албатта.

Қуйида соҳадаги аҳволни билиш, уни яхшилаш борасида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида мулоҳаза юритиш мақсадида бир гуруҳ мутахассисларни мусоҳабага чорладик.

Насимхон РАҲМОНОВ, ЎзМУ журналистика факультети декани:

— Аввало, ҳозирги кунда юртимизда спорт журналистикаси ривожланаётганини эътироф этишимиз лозим. Аммо бу ҳали мутахассислар ишидан тўла қониқиш ҳосил бўляпти, дегани эмас. Биргина мисол: баъзан телевидение ёки радио орқали эфирга узатилаётган футбол шарҳларида ғализ жумлалар, ноўрин ишлатилган сўзларга дуч келамиз. Шарҳловчи нутқининг равон эмаслигига, тез фикрлаш малакасининг йўқлиги шундай ҳолларга олиб келади. Шу боис соҳанинг пасту баландини биладиган, замонавий технологиялардан усталик билан фойдалана оладиган спорт журналистларини тайёрлашга факультетимизда алоҳида эътибор қаратиляпти. Жумладан, спорт журналистикасини бир тизим ҳолига келтириш, уни мукаммал даражага кўтариш асосий мақсад қилиб олинган.

Яқинда жамоамиз профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан "Спорт" телеканали ва марказий газеталаримизнинг спорт журналистлари иштирокида учрашув ўтказдик. Унда миллий спорт журналистикасининг бугунги аҳволи, қўлга киритилаётган ютуқлар, шунингдек, соҳадаги камчилик ва муаммолар очиқ-ошкора таҳлил қилинди. Муаммоларнинг ечимлари изланди.

Дарҳақиқат, бугун спорт журналистикаси соҳасида ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 19 январда қабул қилинган 2011-2013 йилларда республикада футболни ривожлантириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирларга оид қарори эса нафақат спорт соҳасида, балки журналистика соҳасида ҳам туб бурилиш ясашга, режаларимизни қайта кўриб чиқишимизга асос бўлди. Мазкур қарорда ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан малакали кадрлар жумладан, спорт журналистларини тайёрлаш вазифаси ҳам қўйилган. Демак, ишга янада жиддий ёндашиш талаб этилади. Бу борадаги биринчи вазифамиз дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини яратишдир. Иккинчидан, амалиётчиларни ўқув жараёнларига кенгроқ жалб қилиб, улар ва талабалар ўртасида тажриба алмашишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва йўлга қўйиш лозим. Соҳа олдида турган яна бир муҳим вазифа спорт ташкилотлари билан журналистларимиз ўртасида ахборот сиёсатини шакллантиришдан иборат.

Спорт журналисти учун тил билиш — замон талаби. Афсуски, тан олиш керак, бугунги кунда факультетимизда бўлажак журналистларга хорижий тилларни ўргатиш аҳволидан қониқиш ҳосил қилиб бўлмайди.

Зиммамизда турган ушбу вазифалар жамоамизни биргаликда изланишга, имкониятлар топишга ундайди. Зеро, кучли иштиёқ, интилиш ва меҳнат билан ҳамма нарсага эришса бўлади. Изчил ҳаракат эса ҳар қандай тўсиқларни енгиши шубҳасиз.

Азизхон АКБАРОВ, www.uff.uz сайти ва "Чемпион" газетаси лойиҳа раҳбари:

— Давлатимиз раҳбарининг: "Ҳеч бир нарса мамлакатни спортчалик тез дунёга танита олмайди", деган фикрлари нечоғли ҳақиқат эканига Жанубий Африка Республикасида бўлиб ўтган футбол бўйича жаҳон чемпионатида яна бир бор амин бўлдик. Мундиалнинг дастлабки ўйинини бошқарган ҳакамларимиз бутун дунё нигоҳида юртимиз шаънини муносиб улуғлашди. Айниқса, ўша лаҳзаларни ўз кўзингиз билан кўриб, унда иштирок этсангиз, вужудингизни қандайдир ғурур қамраб оларкан.

Ўзбекистон — иқтидорларга бой ўлка. Мамлакатимизда болалар спортига берилаётган юксак эътибор мевасини кундалик турмушимизда кўряпмиз, гувоҳига айланяпмиз. Аминмизки, кўплаб иқтидорли ёшлар ўзларининг юлдузли онларини кутиб туришибди. Уларга тўғри сабоқ бериб, олий мақсадлар сари тарбиялаб бориш устоз-мураббийлар зиммасидаги масъулиятли ишлардан саналади.

Албатта, бу борада спорт журналистикасининг ҳам ўрни беқиёс. Журналист тайёрлаётган кўрсатуви, ёзаётган мақоласи, радиодаги эшиттириши орқали мухлисларнинг қалбига кириб бора олиши лозим. Бунинг учун, авваломбор, унинг ўзи соҳани яхши билиши, сўзамол, юксак билим эгаси бўлиши керак. Замонавий ахборот технологияларидан, интернетдан фойдаланишни билмайдиган журналист бугунги кунда соҳадан узоқлашган саналади. Шунинг учун ишни малакали кадрлар тарбиялашдан, уларга пухта сабоқ беришдан бошлаш керак.

Назаримда, спорт журналистикаси вакилларини тоифаларга ажратган маъқул. Ким қайси мавзуда равон ёза олади? Олдин шу саволга жавоб топишимиз лозим. Масалан, болалар спортини ёритаётган журналист агар ёш авлоднинг ўзига алоҳида меҳр кўзи билан қарамаса, тайёрлаган хабар ва репортажлари кўнгилдагидай чиқмай қолиши мумкин. Болажон-журналистгина болалар спортини чиройли ёритиб бера олади.

Кўпчиликнинг хабари бор, UzNet тармоғида www.uff.uz веб сайти фаолият олиб бормоқда. Биз 2010-2011 йиллар давомида бир нечта катта спорт форумларини ёритишга муваффақ бўлдик. Бир ой давомида Жанубий Африка Республикасида хизмат сафарида бўлиб, мамлакатимиз футбол ишқибозлари учун соф ўзбекча хабарларни етказишга ҳаракат қилдик. Тўрт йилда бир марта бўладиган бундай катта футбол байрамидан бевосита «қайноқ» хабарлар, эксклюзив интервьюлар ва шарҳларни интернет ва газета саҳифаларида тезкор тарзда бериб бордик. Тўғри, бу борада айрим камчилик ва хатоларга йўл қўйган бўлишимиз мумкин, лекин, энг асосийси, яхшигина тажриба орттирдик.

Худди шу ишни январь ойида якунланган Осиё кубоги мусобақалари ўтказилган Қатар давлатидан туриб ҳам амалга оширдик. Чемпионат баҳслари www.uff.uz сайти ва «Чемпион» газетасида тўлақонли ёритиб борилди. Шундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, соҳани ривожлантириш ўзимизнинг қўлимизда.

Муаммолар ҳам етарлича бор. Менимча, кучли спорт журналисти ҳар тамонлама етук, бир вақтнинг ўзида тадбиркор, уддабурон, руҳиятни яхши илғайдиган, ахборот технологиялари устаси, зийрак ва ўзига хос фикрлай билиши даркор. Ана шундагина камчиликлар, муаммолар барҳам топади, спорт журналистикаси барча замонавий талабларга жавоб бера оладиган даражага чиқади.

Аслиддин БОЛИЕВ, "Sport" газетаси бош муҳаррири:

— Аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этишда, спорт оммавийлигини таъминлашда ахборот воситаларининг ўрни беқиёс. Матбуот нашрлари, радио ва телевидение мамлакатимиз спорти ҳаёти, турли федерациялар, терма жамоалар, клублар фаолияти, машҳур спортчилар, истеъдодли ёшлар тўғрисидаги маълумотларни кенг оммага етказиб беради.

Ҳозирги пайтда юртимизда ўндан ортиқ футболга ихтисослашган газеталар чоп этилмоқда. Булар қаторига "Sport", "Sport-futbol Uzbekistana", "O`zbekiston futboli", "Futbol Express", "Inter futbol", "Asr futboli"ни киритишимиз мумкин. Аммо тан олишимиз керак, улар ўз ҳолича фаолият юритмоқда. Яъни хабарлар оқими ниҳоятда катта бўлган ҳозирги даврда ушбу нашрларнинг аксарияти ўз саҳифаларини асосан тайёр қолип — хориж футболи янгиликлари билан тўлдиришмоқда. Бу билан енгил-елпи мақолалар орқали ўқувчиларнинг диққатини тортишга ҳаракат қилишмоқда. Шунингдек, дизайн масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунда, айниқса, аудиторияга таъсир этадиган ранглардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўларди. Ваҳоланки, матбуот катта кучга эга. Бундан аниқ ва тўғри мақсадда, оқилона фойдаланишимиз керак.

Спортнинг тури кўп. Улардан биргина футболни олиб кўрайлик. Уни миридан сиригача биладиган журналистлар эса жуда кам топилади. Шу сабабли, газета саҳифаларини Европа мамлакатлари чемпионатлари кундалиги эгалламоқда. Бундан бизга нима фойда? Агар улар ўқувчиларга янгилик (ахборот) сифатида эълон қилинмоқда, дейиладиган бўлса, мутлақо самарасиздир. Негаки, бугун юртимизда миллионлаб кишилар интернет ва мобиль телефонидан фойдаланиш имкониятига эга. Улар биз тўрт кун кечикиб эълон қилган янгиликни мазкур воситалар орқали бир зумда билиб олишлари мумкин. Шундай экан, бугун журналистларимиз интернетдан олиниб, таржима қилинадиган материаллардан қочиши, мамлакатимиз спорти мазмун-моҳиятини оммага манзур қилишга хизмат қилмоғи лозим.

Даврон ФАЙЗИЕВ, "Sport" телеканали шарҳловчиси:

— Истиқлолга эришганимиздан сўнг республикамизда ўтган йигирма йил давомида спорт журналистикаси соҳасида кенг қамровли ислоҳотлар амалга оширилди. Аммо бугун биз эришган ютуқларимизни жаҳон спорт журналистикаси билан таққослайдиган бўлсак, бу борада ҳали кўпгина ишлар қилишимиз кераклиги ойдинлашади.

Фикримни исботлаш учун бир мисол келтириб ўтсам. Юртимизда "Sport" телеканали фаолиятини бошлагандан бери жаҳон миқёсидаги бир нечта йирик мусобақаларни имкони борича тўғридан-тўғри эфирга узатиб берди. Жумладан, Канаданинг Ванкувер шаҳрида бўлиб ўтган қишки олимпиада ва Хитойда ўтган йили ўтказилган Осиё ўйинларини ёдга олишимиз мумкин.

Маълумки, бу хилдаги мусобақаларда спортнинг бир нечта тури бўйича беллашувлар бўлиб ўтади. Ҳар бир спорт турининг эса ўзига яраша томонлари, қонун-қоидаси, тарихи бор. Шу боис, ҳар қандай журналист ҳам уларнинг барчасини аъло даражада шарҳлаб, мухлисларга етказиб беролмайди. Бунинг сабабини ҳеч бўлмаганда беш дақиқа жонли эфирга чиққан киши яхши тушунади. Мана шу сабаб туфайли юқорида айтиб ўтилган мусобақаларни эфирга узатиш телеканалимиз ходимлари олдида қатор қийинчиликларни келтириб чиқарди. Яъни шундай йирик спорт тадбирларини уч-тўрт нафар киши шарҳлаб боришга мажбур бўлдик. Ўйлашимча, ушбу эфирлар ҳам ёмон чиқмади. Аммо уларни бундан-да жозибали ва таъсирчан қилиш мумкин эди. Бунинг учун бизда ихтисослашган журналист — шарҳловчилар керак бўлади, холос. Лекин, афсуски, ҳозир шундай малакали кадрлар етишмаслиги спорт журналистикаси олдидаги асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Агар мамлакатимизда спортнинг барча турини мукаммал шарҳлай биладиган тўрт-беш нафар шарҳловчи бўлса, ўйлайманки, бу муаммо ўз-ўзидан бартараф этилади. Бунинг учун ишни, аввало, олий таълим масканларидан бошлаш керак, назаримда. Журналистика факультетларида таҳсил олаётган талабаларни қизиқишидан келиб чиқиб, соҳага тўғри йўналтира билиш керак. Ана шунда, тўрт-беш йил ичида деярли тайёр бўлган, ихтисослашган журналистларга эга бўламиз.

Яна бир фикрни айтиб ўтишни истардим. Талабалар бевосита телевидениега келиб, айни пайтда суяги қотган шарҳловчиларга шогирд тушиб, соҳа сирларини ўрганишса, уларнинг маҳорати тезроқ ошарди.

Спорт журналистикамиз олдида турган энг асосий масалалардан яна бири — соҳада ҳанузгача ўзбек тилида етарлича адабиётлар яратилмаганидир. Масалан, футболга оид атама луғат жуда зарур. Бу биз — спорт журналистлари олдида турган вазифалардан биридир.

Акбар НУРМАТОВ, ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети декани:

— Ҳар қандай давлатнинг улуғ мақсадларга эришишининг бирламчи омилларидан бири бу, шубҳасиз, спортдир. Шу боис, юртимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ёш истеъдод эгаларига имкониятлар яратиб бериш ва маҳоратли спортчиларни тарбиялаш мақсадида аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Ислоҳотлар тез орада ўз самарасини бераётганини эса ҳаётнинг ўзи исботлаб турибди. Бугун ўзбек спортчилари жаҳон ареналарида юксак ғалабаларни қўлга киритаётир. Хусусан, кураш, бокс, шахмат, бадиий гимнастика ҳамда байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича спортчиларимизнинг номлари дунё спортининг номдор юлдузлари қаторидан жой олиб улгурди. Бундай қувонарли ғалабалар янада кенг қулоч очишига шак-шубҳа йўқ.

Ўз навбатида бундай муваффақиятларни халқимизга етказиш, спортни оммалаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни катта. Аммо бу борада профессионал кадрлар етарли, дейишимиз қийин. Бинобарин, малакали спорт шарҳловчиларига бўлган эҳтиёж кундан-кунга ортиб бормоқда. Айниқса, футбол ва боксдан ташқари бошқа спорт турларига доир мусобақалардан юқори савияда репортажлар узатувчи, шарҳлар тайёрловчи журналистларимиз етарли эмас. Бу соҳада аёл-қизларимизнинг озлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Республикамизда спорт журналистларини тайёрлаш мактабини яратиш долзарб вазифалардан бири эканини бугунги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бу борада халқаро журналистика факультети қошида алоҳида йўналиш ташкил этиш мақсадида таклифлар билан мутасадди ташкилотларга мурожаат қилдик. Ўйлайманки, халқаро журналистика факультетида спорт журналистикаси бўлимини очиш учун барча имкониятлар мавжуд. Жумладан, замон талабларига жавоб берадиган аудиториялар, телестудия, радиостудия, ведиокамера ва телевизорлар, компьютерлар билан жиҳозланган. Қолаверса, факультетнинг профессор-ўқитувчилари катта илмий салоҳиятга эга.

Яна бир нарсани унутмаслигимиз керакки, ўзбек спорти муваффақиятларини дунёга танитиш, ўз навбатида, хорижий мамлакатларда бу борада кечаётган янгиликларни халқимизга етказиш учун журналист бир нечта чет тилларини билиши лозим. Чунки инглиз, немис, испан, хитой, япон, ҳинд каби хорижий тилларни билмасдан туриб халқаро миқёсда профессионал фаолият юритишни бугун тасаввур қилиб бўлмайди. Шуни ҳисобга олганда, бир нечта тилларни биладиган журналист кадрларни тайёрлашда халқаро журналистика факультети айни муддао бўлади.

Азим РЎЗИЕВ тайёрлади

Китоб жавонингизга

Кўҳна шаҳарлар саҳифалари синоатга тўла сеҳрли китобга ўхшайди. Ана шундай тарихий сирларга бой муаззам масканлардан бири, шубҳасиз, Бухоро ҳисобланади. Публицист Собира Бўлдиеванинг икки китобдан иборат «Бухоро сирлари» (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти) асарини ўқисангиз бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Муаллиф бу шариф шаҳарнинг энг қадим сирларини ривоятлар, афсоналар ва тарихий манбалар орқали очиб беришга ҳаракат қилган.

Бухоро меҳри

Муаллиф Бухорони XXI аср ижодкори нигоҳи билан кўради ва таҳлил қилади. Унинг қадимий маданий ёдгорликлари, эски кўчаларидан то хонадонлари тарихигача эринмай қаламга олади. Миллий урф-одатлар, анъаналар, қадриятларга бўлган ҳурмат-эътибор ҳамда кундан-кунга чирой очиб бораётган бугунги Бухорони меҳр билан тасвирлайди.

«Бухоро сирлари» Собира Бўлдиеванинг илк китоби эмас. Унинг ҳозиргача «Жавпазак олма», «Муқаддас сафар» шеърий тўпламлари ва «Нурота» эссе китоби чоп этилган. Муаллифнинг навбатдаги асарининг алоҳида қиймати шундаки, у узоқ йиллик изланишлар, тинимсиз ижодий сафарлар, тарихий гўшаларни қадамба-қадам кезишлар, қайта таъмирланиб кўрк очаётган зиёратгоҳларга шайдо қалбнинг меваси сифатида қоғозга тушган. Бошқача айтганда, бу ғайратли журналистнинг кичик илмий-ижодий экспедицияси туфайли бунёд бўлган йирик бадиий-публицистик тадқиқотдир.

«Бухоро ишқи билан ёнаётган қалбга Оллоҳ икки йўлни солади. Бири — Бухородаги азиз-авлиёлар олами, иккинчиси — Бухоронинг ўзи. Агар бу иккаласини бир-биридан алоҳида ёзишга ҳаракат қилсангиз хатога йўл қўйиш мумкин», дейди муаллиф бир ўринда. Ҳақиқатан ҳам бу икки мавзу муқаддас. Уларни билмасдан, англамасдан, ҳис этмасдан Бухоро қалбига етиб бориш душвор. Шу боисми, ҳар бир сатрда муаллифнинг қалб ҳарорати, мушоҳада-мулоҳазаси яққол сезилиб туради. У шунчаки кузатувчи, баён этувчи эмас, балки суҳбатдоши билан жараёнлар иштирокчисига айланади.

Мустақиллик шарофати билан Бухоро қайта чирой очиб, қайта туғилгани ва Юртбошимизнинг ташаббуси билан қайтадан бунёд этилаётгани тарихий ҳақиқат. 2010 йилда «Кўҳна ва боқий Бухоро» монументининг бунёд этилиши яна бир тарихий воқеа бўлди. Асарда Бухоронинг тарихий-маданий ёдгорликлари таъмирланиб, асл ҳолига қайтаётгани илҳом билан қаламга олинган. Халқ ҳунармандчилиги, халқ оғзаки ижоди тарихидан олинган лавҳалар кенг ва қизиқарли ёритилган. Хуллас, китобларни катта қизиқиш билан ўқиб чиққач, шундай ўйлар хаёлимдан кечди: «Муаллифнинг кўп йиллик ижодий меҳнатлари, оддий сопол идишнинг ёки бирор-бир алломанинг қабридан топилган буюмнинг тарихини билиш учун қанчалар заҳмат чекиб, изланишлари ва елиб-югуришлари изсиз кетмабди. Энг муҳими, муаллифнинг Бухорони янгича нигоҳ, янгича қалб ва тафаккур билан кўришга, ёзишга интилган яхши самаралар берган».

Президентимизнинг «Тариҳдан маълумки, қадимда Бухородан олтин конлари топилган. Бугунги кунда ҳам Бухоро тилласи асл тилла ҳисобланади. Лекин Бухорони шариф шаҳарга айлантирган унинг фидойи, меҳнаткаш одамларидир», — деган сўзлари китобда гўё акс садо бериб тургандек. Бундай меҳнаткаш одамлар тўғрисида қанча меҳрли гапларни айтсак, ёзсак ҳам камлик қилади.

Ашурали ЖЎРАЕВ

Ҳамкасб

ҚЎҚОНДА БИР ОПА БОР

Республикамизда чоп этилаётган турли газета-журналларни варақлаганда хотин-қиз журналистларнинг мақолалари салмоқли эканига гувоҳ бўламиз. Уларнинг нафақат ўзи фаолият юритаётган таҳририятда, балки бошқа бир қатор матбуот нашрларида гоҳ ижтимоий-иқтисодий, гоҳ маънавий-маърифий, гоҳ ҳуқуқий, гоҳ ахлоқий мавзуларда қалам тебратаётгани ибратлидир.

Қирқ йилдан бери «Қўқон садоси» газетасида ишлаб келаётган Қурбоной Султонова ҳам ана шундай фаол аёл журналистлардан. У ҳозир газетанинг қурилиш, саноат ва транспорт бўлими мудири вазифасида ишламоқда. Опа вилоят ва республика нашрлари, жумладан, «Фарғона ҳақиқати», «Адолат йўли», «Халқ сўзи», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», «Оила ва жамият» газеталари ҳамда «Санам», «Гулчеҳралар», «Саодат» журналларида ўзининг ранг-баранг мавзудаги мақолалари билан иштирок этиб келмоқда.

Қурбоной опанинг турмуш ўртоғи Баҳодир Носировни ҳам қалам аҳли яхши билади. Уларни оилавий журналистлар деса ҳам бўлади. Икки дўст, икки ҳамкор анча вақтдан бери бир жамоада хизмат қилади.

Қурбоной опани ўттиз йилдан бери биламан. Билимга чанқоқ, изланувчан ижодкор. Тумандаги мавжуд муаммоларни газета саҳифаларига тезда кўчира олади. Мавжуд иллатларга муросасизлиги, қаламининг тиғи ўткирлиги боис, айрим «тўра»лардан хўп ва кўп дакки эшитган пайтлари ҳам бўлган.

Мевали дарахт яхши униб-ўсиши учун унинг илдизи заминга мустаҳкам ўрнашган бўлиши керак. Қурбоной опа касб сирларини тажрибали устозлардан ўрганди. Газетага ишга келиб ҳам билим эгаллашдан чарчамади: ўқиди, ўрганди. Ўша билганларини бугун шогирдларига ўргатмоқда. Ҳозирда уларнинг сони ўндан зиёд. Шаҳар ва туман газеталари таҳририятларида фаолият юритишяпти.

Опанинг шарафли меҳнати, изланишлари қадрини топди. Қурбоной Султонова «Шуҳрат» медалига сазовор бўлди. Ўтган йили эса республика «Атиргул» мукофотини ҳам унга муносиб кўришди.

Мухтор СУЛАЙМОНОВ, журналист

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34 ,
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ДУНЁДА НИМА ГАП?

Дараклар

ДИРЕКТОРЛАР КЕНГАШИДАГИ БИРИНЧИ ХОРИЖЛИК



Ҳиндистоннинг энг бой кишиси Мукеш Амбани АҚШнинг энг йирик банкларидан бири – «Bank of America» директорлар кенгаши таркибига киритилади.

Агар ушбу хабар ўз тасдиғини топадиган бўлса, ҳиндистонлик тадбиркор кенгашнинг ўн тўртинчи, шу билан бирга, дастлабки чет эллик аъзосига айланиши мумкин. Банк акционерларининг яқин орадаги биринчи йиғилиши апрель ойида ўтказилади.

Мукеш Амбани 2002 йилдан буён «Reliance Industries» номли йирик хусусий компанияни бошқариб келади. У 2009 йилда Ҳиндистон металлургия магнати Лакшми Миттални ортда қолдириб, мамлакатнинг энг бой кишилари рўйхатида биринчи ўринга чиқиб олганди. «Forbes» журнали тадбиркорнинг айни пайтдаги бойлигини 27,5 милиард доллар қийматида баҳолаган.

ИНТЕРНЕТ-КАФЕЛАР ЁПИЛДИ

Хитойда сўнгги 6 йил ичида 130 мингта интернет-кафе фаолияти тўхтатилган. «PCWorld»нинг хабарига қараганда, уларнинг ноқонуний иш олиб боргани бунга сабаб бўлган.

Махсус лицензияларга эга бўлмаган, яширин ҳолатда фаолият олиб борган ушбу интернет-кафелар хизматидан вояга етмаган ёшлар ҳам мунтазам фойдаланиб келганлар. Ваҳоланки, мамлакат маданият вазирлиги қабул қилган ҳужжатга мувофиқ, интернет-кафеларда 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларнинг бўлиши тақиқланади.

2010 йилда Хитойда интернет-кафе хизматидан 163 миллион киши фойдаланган. Интернетдан фаол фойдаланувчилар сони эса 450 миллион кишидан ошади.

ОЗОН ҚАТЛАМИ ЕМИРИЛИШДА ДАВОМ ЭТЯПТИ

Европалик экологларнинг тахмин қилишларича, жорий йил баҳорида Арктикада озон қатлами емирилиши рекорд кўрсаткичга етиши мумкин. Бу ҳақда «ScienceNews" хабар тарқатган.

Тадқиқотчиларнинг фикрича, сўнгги бир ой ичида Шимолий қутб осмонининг 15 миллион квадрат километр ҳудудида озон тенг ярмига камайган. Бошқача айтганда, ҳозир бу ерда озон 306 Добсон бирлигини ташкил этмоқда. Аслида, меъёрий ҳолатда бу кўрсаткич 430-380 бирликни ташкил этиши лозим.

Олимлар озон қатлами емирилишининг жадаллашувига иссиқхона газлари миқдори камаймаётганини асосий сабаб қилиб кўрсатишмоқда. Аҳвол шу тарзда давом этадиган бўлса, бу инсоният учун оғир оқибатларга олиб келиши аниқ.



САТУРН ЙЎЛДОШИДА ЁМҒИР ЁҒДИ



Олимлар Сатурн сайёрасининг олтинчи йўлдоши – Титан экваторида сўнгги саккиз йил давомида илк бор ёмғир ёққанлигини қайд этишди. Бу ҳақдаги мақола «Science» журналида чоп этилди.

Титан катталиги бўйича Қуёш тизимидаги иккинчи табиий йўлдош ҳисобланади. Унинг қутбларида мунтазам равишда углеводородли ёмғирлар ёғади. Титан экваторида эса бу ҳолат камдан-кам кузатилади. Ваҳоланки, тадқиқотлар экватор кенгликларида бир пайтлар саёз дарёлар бўлганлигини кўрсатади.

Олимлар Титан об-ҳавосини ўрганишда Сатурн орбитасига чиқарилган «Кассини» зонди томонидан олинган суратлардан фойдаланишди.

ТАБИИЙ ОФАТ ОҚИБАТЛАРИ

Япониянинг «Фукусима-1» АЭСи ишчи-ходимлари хавфсиз жойларга кўчирилган. Чунки станциянинг учинчи реакторида кучли тутун пайдо бўлган. Станция оператори, Tokyo Electric Power Co (TEPCO) компанияси вакиллари оммавий ахборот воситаларига ана шундай хабар беришган.

Associated Press тарқатган ахборотда айтилишича, тутун ишлатилган ядро ёқилғиси сақланадиган иншоотга хавф солиши мумкин. Мамлакат бош вазири Наото Кан эса яқиндагина АЭСдаги аҳвол тобора яхшиланиб бораётганини айтганди. Чунки тўртинчи ва бешинчи блокларда совутиш ишлари муваффақиятли якунланган эди. Шунингдек, реакторларнинг электр таъминотига уланиши уларнинг яхлатиш тизими ишлашини қайта йўлга қўйишга умид уйғотганди. Айни чоғда станцияда тутун пайдо бўлиши сабаблари айтилмаяпти.

Эслатиб ўтамиз, 11 март куни руй берган ер қимирлаши ва кучли цунами оқибатида «Фукусима-1» АЭСида ҳалокат келиб чиқди. Хабарларга қараганда, табиий офатлар салкам 20 минг кишининг ўлимига ва бедарак йўқолишига сабаб бўлди.

Олам ажойиботларга тўла

ҚУШНИЛАРГА ҚАРАБ...

Қандай омилларга асосан қушлар уйқуга кетади? Олимлар бу саволга шу пайтгача аниқ жавоб топишолмаган эди. Лекин яқинда ўтказилган кузатув натижасида бу масалага ойдинлик киритилди.

«Ethology» журналида чоп этилган мақолада ёзилишича, мақола муаллифи Канада яқинидаги Фанди кўрфазида Larus турига мансуб балиқчи қуш — чайкаларни кузатган. Олим қушларнинг қанчаси ухлаяпти-ю, қанчаси бедор эканини ҳар икки дақиқада назорат қилиб турган. Қушлар тумшуқларини патлари орасига суқиб ухлашган. Бу характерли ҳолат уларни фарқлашга ёрдам берган.

Олимнинг аниқлашича, уйқуга кетган қушнинг ёнида бедор қўшниси қанча кўп бўлса, у ҳам кўзларини тез-тез очади. Бундан ташқари, чайка атрофидаги қўшниларининг ҳолатига тақлид ҳам қилади. Масалан, ёнидаги қушлар бедор бўлса, у ҳам уйғонади, акс ҳолатда уйқуга кетади. Шу тахлит балиқчи қушлар галасида "уйқу тўлқини" пайдо бўлади.

Шундай қилиб, чайкалар ёнидаги қўшниларининг ухлаётгани ёки ухламаётгани ҳақида маълумот берувчи манба вазифасини ўтаган.

«БЕБОШ» ЮЛДУЗЧАЛАР



Астрономлар NGC 6729 туманлигида ўнлаб «ўзбошимча» ёш юлдузларни суратга олишди. Бу юлдузларнинг «бебош»лиги шундаки, улар жуда ҳаракатчан ва шу боис ўз атрофидаги газ ҳамда чанг-тўзонларни ёруғлик йили масофасига қадар тарқатиб юборади.

NGC 6729 туманлиги Қуёш тизимига энг яқин ҳисобланади. Олимларнинг аниқлашича, ҳозирги пайтда бу туманликда юлдузларнинг пайдо бўлиш жараёни ниҳоятда фаоллашмоқда.

NGC 6729 юлдузлари Чилидаги обсерваториянинг VLT телескоплари ёрдамида суратга олинди. Айни пайтда олимлар ушбу суратларни синчиклаб ўрганишда давом этишмоқда.

БУРГА ҚАНДАЙ САКРАЙДИ?



"Journal of Experimental Biology" журналида чоп этилган мақолада асосланишича, олимлар бургаларни "машҳур" қилган сакрашлар қай тариқа амалга ошишини исботлаганлар.

Мақола муаллифлари типратикан танасида жон сақлайдиган бургаларнинг сакрашини видеокамера ёрдамида тасвирга олишган. Сакраш лаҳзасидаги фокус аниқ чиқиши учун олимлар ҳашаротларни қоронғу камерада сақлаганлар ва ногаҳон уни ёритиб, стресс ҳолатига тушиб сакраган бургаларни суратга олишган. Маълум бўлишича, кузатилган ҳолатларнинг 90 фоизида бургалар оёғи ва орқа оёғининг бош бармоғини, 10 фоизида эса фақатгина бармоқларини ишлатиб сакраган. Бурганинг оёқлари электрон микроскоп ёрдамида ўрганилганда шу нарса маълум бўлдики, унинг тиззалари силлиқ (Шу сабабли у ерга тиззалари билан керакли даражада тирала олмайди). Болдир ва бармоқларида эса, аксинча, кўпгина ўсмалар мавжуд.

Дарвоқе, бурга танаси 1 миллиметрдан 5 миллиметргача ўзгара оладиган қон сўрувчи ҳашаротдир. Хавф туғилганда у шундай сакрайдики, бу масофа унинг танаси узунлигининг 200 баробарига тўғри келади.

Интернет хабарлари асосида
Ризвоной НИЗОМОВА тайёрлади

Ҳурматли юртдошлар!

«АСАКА» БАНК (ОАЖ)

Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги янги муддатли омонат турларини таклиф этади.

Миллий валютадаги омонат

1. **«НАВРЎЗ»**

Сақлаш муддати — 1,5 йил
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

Хорижий валютадаги омонат

1. **«СТИМУЛ-II» ЕВРОДА**

Сақланиш муддати — 1,5 йил
Ҳисобланган фоизлар ҳар чоракда ёки омонат ёпилганда берилади.

«Асака» банк (ОАЖ) сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.

СИЗНИНГ ОМОНАТЛАРИНГИЗ:
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!

Барча жамғармангиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун телефонлар: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	8 371	120-83-13
Автотранспорт филиали	8 371	120-39-95
Шайхонтоҳур филиали	8 371	140-39-36
Юнусобод филиали	8 371	225-16-46
Сирғали филиали	8 371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	8 371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	8 374	224-40-96
Асака филиали	8 374	233-13-69
Фарҳод филиали	8 374	229-97-53
Фарғона вилоят филиали	8 373	224-70-83
Марғилон филиали	8 373	237-12-37
Олтиариқ филиали	8 373	432-10-11
Қўқон филиали	8 373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	8 369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	8 436	223-54-32
Зарафшон филиали	8 436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	8 365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	8 365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	8 366	231-08-86
Афросиёб филиали	8 366	234-17-96
Қашқадарё вилоят филиали	8 375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	8 376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	8 361	223-72-47
Хоразм вилоят филиали	8 362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	8 367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	8 372	226-43-11

Хизматлар лицензияланган

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ «ТЕЗ ПУЛ ЎТКАЗИШ» хизмати ПОЧТА АЛОҚАСИ хизматларидан фойдаланинг!
Телефон: (8 371) 237-21-93; 237-16-24
Сайт: www.pochta.uz, E-mail: oao@post.uz

Маросимлар

ҚАДРИЯТЛАР САРЧАШМАСИ

Наврўз байрами мамлакатимизда мустақиллик қўлга киритилиб, миллий қадриятларимиз қайта тикланганидан сўнг ўз қадрини топди. Юртбошимиз Фармони билан умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошланди. Бугунги кунда халқ сайиллари бир ёқда кураш, кўпкари-улоқ, варрак учириш мусобақалари, бир ёқда сумалак пиширish, ҳалим тайёрлаш ва бошқа маросимлар билан қўшилиб, ажиб бир миллий фестиваль кўринишини олмоқда. Ям-яшил адирларда от чоптириб, кураш тушиб юрган бўз йигитларни, баҳор янглиғ гул-гул очилиб қўшиқ куйлаётган дилбар қизларни, дошқозонлар атрофида ўйин-кулгу, хурсандчилик қилаётган юртдошларимизнинг қувонч ва шодлигини кўриб, тинчлик ва осойишталикнинг нақадар бебаҳо бойлик эканини қайтадан кашф этгандек бўламиз, бу осуда ҳаётнинг қадрини янада теранроқ англаймиз.

Аждодларимиз тарихи, маънавий ҳаётига назар ташласак, улар турли-туман маросимлар ва байрамлар ижод этганлигининг гувоҳи бўламиз. Қуйида халқимиз Наврўз, янги йил бошланиши билан боғлиқ ана шундай маросим ва байрамларни қандай ўтказгани тўғрисида ҳикоя қиламиз.

Миллий маросим ва удумлар, урф-одатлар, анъаналар, байрамлар ҳар бир халқнинг тарихий тараққиёт маҳсули ўлароқ, унинг яшаш шароити, муҳити ва ҳамкорлиги натижасида вужудга келади. Ўзбек халқининг маданий меросида халқ ижод қилган ва ижтимоий аҳамиятга эга турли байрамлар, оммавий ўйинлар, мавсумий, ҳунаркасб маросимлари алоҳида ўринни эгаллайди. Тарих синовидан ўтган ушбу байрам ва маросимлар кишиларнинг ўзаро муносабатларидаги фазилатларни, чинакам халқчил, умуминсоний қадриятларни акс эттиради.

Маросим ва байрамлар иқтисодий, сиёсий, маданий ҳаётига бера олувчи куч ҳамдир. Энг аввало, бундай тантаналар кишиларни жипслаштиради, ҳамжиҳатликни шакллантиради ва улар ўртасидаги муносабатларни янада барқарорлаштиради.

Маълумки, Наврўз кунлари бутун ер куррасининг шимолий ярим шарига ҳамал қадам қўяди. Бу пайтда қуёшнинг тикка кўтарилиши тезлашади, унинг нури ва иссиқлиги тобора кўпроқ етиб келади. Кунлар тез узаяди, 22 мартда кеча билан кундуз тенг — 12 соатдан иборат бўлса, апрель охирига бориб эса куннинг узунлиги 15 соатдан ошиб кетади.

21 март қадимда Шарқ ва Марказий Осиёда Йил боши, Наврўз — Янги кун деб юритилган. Буюк қомусий аллома Абу Райҳон Беруний "Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар" асарида шундай ёзади: "Наврўз баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан меваси етилгунча, ҳайвонларда қочиш пайти (шаҳват) қўзғалишидан то насл вужудга келгунича давом этган вақтга тўғри келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган". Шунингдек, Наврўз ҳақида Абулқосим Фирдавсийнинг "Шоҳнома", Умар Хайёмнинг "Наврўзнома", Маҳмуд Қошғарийнинг "Девону луғотит турк", Лутфийнинг "Гул ва Наврўз", Алишер Навоийнинг "Садди Искандарий" асарларида ҳам қизиқарли лавҳалар мавжуд.

Наврўз айёмининг деҳқонлар учун аҳамияти жуда катта, чунки бу кунларда экин-тикин, дала-боғ ишлари бошланган. Боғбонлар, чорвадорлар ҳам баҳорнинг иссиқ кунларини интиқлик билан кутиб, деҳқончилик ишларига тайёргарлик кўрганлар, ариқ-зовурларни тозалаганлар ("ҳайров қазиш"), омоч-бўйинтуруқларни созлаб ер ҳайдашга тахт қилишган. Отлар совутилган, аравалар тузатилиб, ишга яроқли ҳолга келтириб қўйилган. Асосий иш кучи ҳисобланган хўкизларни яхши парваришлаб, ер ҳайдашга олиб чиқишга тайёргарлик кўрилган. Деҳқонлар устозларидан, табаррук қариялардан "оқ фотиҳа", "оқ йўл" олганлар. Ғалла экиш тугагач, деҳқонлар ёмғирни орзиқиб кутганлар. Ёмғир ёғмай йил қурғоқчилик келса, "Суст хотин" маросими орқали худодан ёмғир ёғдиришни илтижо қилиб сўраганлар. Турли бало-қазолар, офат ва ўлимни даф этиш учун "худойи" ёки "дарвишона" қилганлар.

Байрам бошланишидан бир кун аввал эркаклар сумалак пиширriладиган жойда "ер ўчоқ" ковлашиб, унга қозон ўрнатиб берганлар. Хотин-қизлар эса байрамга атаб кўкатли ва гўштли сомсалар, сутли кулча, патир, нон, ширинликлар ва бошқа пиширiқлар тайёрлаганлар. Оқсоқол ва қариялар тўкин дастурхон устида йилнинг мўл ҳосилли, юртнинг тинч, халқнинг соғ-саломат бўлишини тилаб, дуои фотиҳалар қилишган. Наврўз байрами тантаналарида кечқурун гулхан ёқилиб, қўшиқлар айтилган, ўйин-кулги қилинган. Ёш йигит-қизлар ўртасида лапар айтиш, айниқса, қизиқарли ўтган. Байрам кунлари қишлоқ сайилгоҳида пойга, улоқ, кураш, хўроз уриштириш, ошиқ каби ўйинлари бўлиб ўтган.

Байрамга тайёргарлик 21 мартдан олдинроқ бошланган. Масалан, бир-икки ҳафта олдин катта бир идишда етти хил навли экинларнинг уруғи етти қатор қилиб ундирилган. Булар буғдой, арпа, зиғир, тариқ, нўхот, жўхори, шоли бўлиб, байрам куни уларнинг унишига қараб шу йилги ҳосилдорлик даражаси чамаланган. Байрам куни амалга ошириладиган иримлардан яна бири "ернинг сувга тўйиши"дир. Байрам куни етилиб кўпчиб турган тупроққа кексалар кўзадан сув қуйишган. Шундай қилинса, баҳор яхши келиб, намгарчилик етарли бўлади, деб ўйлашган.

"Йил боши" байрамига хонадонларда 10-15 кун олдин тайёргарлик бошланган. Кўни-қўшнилар, 7-15 хонадон бирлашиб ёки бир қишлоқ, даҳа, маҳалла аҳли тўп-тўп бўлиб, ҳамкорликда сумалак пиширishган. Сумалак пиширiладиган куни ҳамма оҳорли кийим кийган. Янги кийим тикиб кия олмаганлар жимжилоғига тоза мато парчасини боғлаб қўйса ҳам савобга ўтади, дейишган.

Йил бошигача келин тушириб олганлар "келин чачала", янги фарзанд кўрганлар "чақалоқ чачала" тайёрлаганлар. Келин чачала — янги келин томонидан тайёрланган турли пиширiқлар: сомса, бўғирсоқ, нон, палов ва ширинликлар билан Наврўз куни эл дастурхони безалган, яъни барчага улашилган. Чақалоқ чачала — бола дунёга келган хонадон соҳиблари гўдак шарафига катта тугун тайёрлаганлар. Бу дастурхон ҳам деб аталган. Унда каттакичикка улашиш учун қанд-қурс, мева-чева ва кулчалар бўлган. Маросимда жам бўлганлар қариялар, оқсоқоллар бошчилигида келинга ширин турмуш, қўша-қўша фарзандлар, чақалоққа узоқ умр, мўл-кўл ризқ-насиба ва тан сиҳатига барака тилаб дуога қўл очганлар.

Наврўз тантаналарини чавандозлар беллашувисиз тасаввур қилиб бўлмаган, албатта. Кўпкари, улоқ қишлоқ қариялари, йигитлари иштирокида уюштирилган. Хотиним ўғил туғса, шарафига кўпкари бераман, деган йигитлар ҳомий бўлган. Асосан улоқда қўшни қишлоқ чавондозлари билан биргаликда 50-60, ҳаттоки 100, 200 дан ошиқ отлар ва чавандозлар иштирок этган.

Дарвишона. Марказий Осиё халқлари, хусусан, Ўзбекистоннинг жанубий вилоятларида Нарвўз байрами ("Йил боши")дан олдин ўтказиладиган маросим дарвишонадир. Бу маросим йил қурғоқчилик келганда ҳамда тўсатдан бирон бир фалокат содир бўлганда, улардан халос бўлиш учун ва янги йилнинг хосиятли, баракали келиши ҳамда деҳқончиликнинг мўл бўлиши ва бошқа эзгу ниятларни амалга ошириш учун Яратгандан мадад сўраш ниятида уюштирилган.

Ҳар йили баҳор фаслида шаҳар ва қишлоқлардаги маҳалла (гузар), тўп (тўпор)ларда 2-3 киши хонадонма-хонадон юриб, пул, буғдой ва озиқ-овқат маҳсулотлари тўплаганлар. Йиғилган пулга бозордан ҳўкиз сотиб олинган, ҳалим ёки ёрма бутун кеча мобайнида пиширилган. Эртаси куни эса қўшни маҳаллалар ва қишлоқлардан меҳмонлар ҳам таклиф этилиб, таом баҳам кўрилган, қариялар, беморлар, ёлғиз ва муҳтожлар йўқланиб таомдан насиба узатилган.

Далага қўш чиқариш. Деҳқончилик билан боғлиқ маросимларнинг энг муҳими "қўш чиқариш", "шох мойлар", "қўш оши", "экин сайили" каби номлар билан аталади. Чунки ерга биринчи уруғни қадаш муносабати билан бу маросим тантанали тарзда уюштирилган.

Қўш чиқариш маросими кунини қишлоқ оқсоқоллари белгилаб берганлар. У асосан Наврўз арафасида ёки ундан бир-икки ҳафта бурун, хосиятли, омадли кунлар — душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилган. Маросим ўтказиладиган куни тайёрланган таомлар дастурхонларга ўралган ҳамда қўш чиқариладиган жойга олиб келинган. Қишлоқнинг барча аҳолиси тўплангач, қишлоқ оқсоқоли: "Ишларингга барака берсин, тансиҳатлик, хотиржамлик бўлсин, худо ёр, арвоҳлар мададкор бўлсин, Бободеҳқоннинг ўзи тарбият қилсин" деб дуо берган. Таомлар тановул қилиб бўлингандан сўнг қўш чиқариш учун боқилган ҳўкизлардан бири танланган. Ўтган йилги ҳосил ўрими пайтида олинган охирги тутам буғдойдан тайёрланган кулчадан синдирилиб, қишлоқ оқсоқоли, мўътабар қариялар ва тажрибали деҳқонларга улашилган. Шунингдек, шу кулчалардан бир бурдаси танланган ҳўкизга ҳам берилган. Бу билан кишилар бу йилги ҳосил, ўтган йилги ҳосилга ўхшаш мўл-кўл бўлсин, деган эзгу истакни билдирганлар. Ниҳоят, барча ҳўкизларнинг шохига "кўз тегмасин" деб зиғир мойи суртилган, инс-жинслар, ёвуз руҳлардан пок бўлсин, деб исириқ тутатилган.

Одатда, биринчи қўшни қишлоқнинг энг ҳурматли, пиру бадавлат қарияларидан бири ерга солган. У қўш билан кучи етишига қараб, ё бир марта, ё уч марта, ё беш марта, умуман тоқ марта бориб келиши керак бўлган. Сўнгра ўтган йилги ҳосилнинг охирги тутамидан олинган буғдойдан ирим қилиб, ҳайдалган ерларга бир неча ҳовуч сочиб берган. Биринчи уруғ қадаш маросими энг тадбиркор деҳқоннинг томорқасида, баъзан эса ёш оилаларга тегишли пайкалда ўтказилган.

"Суст хотин". Таъкидлаш керакки, Наврўз куни одамларнинг бир-бирига сув сепиш анъанаси Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларининг лалмикор ерларида истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида яқин йилларгача сақланиб қолган эди. "Сув хотин" ("Суст хотин") маросими баҳор-ёз ойларида ёмғир ёғмай, экинзорлар қовжираб, қурғоқчилик бошланганда "ёмғир чақириш" мақсадида ташкил қилинган. Оқсоқолларнинг кўрсатмасига биноан қишлоқ аёллари катта қўғирчоқ ясашиб, унга кампирнинг кўйлагини кийдиришган, сўнгра махсус қўшиқлар айтишиб, қўғирчоқни далалардан, кўчалардан кўтариб ўтиб, ҳар бир хонадонга олиб киришган. Уй эгалари уларни хурсандчилик билан қаршилаб, албатта, қўғирчоқ устидан сув сепишган, имкон доирасида хайр-эҳсон қилишган.

Муродбек МАМБЕТОВ,
Тошкент давлат юридик институти тадқиқотчиси

Ўқилмаган саҳифалар

Қуйидаги суҳбат 1994 йилнинг куз кунларидан бирида Зулфия опамларнинг Дўрмондаги боғ ҳовлисида ўтган бўлиб, айни дамда ўша кунларни бўйбасти билан кўз олдимга келтирди-қўйди.

Ёқгор сўзлар — гавҳар сўзлар

Устоз ҳовли олдидаги очиқ айвонда креслода суянган кўйи боғни томоша қилиб, хаёлга чўмганича ўтиришарди. Қушлар чуғурига тўлган боққа шом тушиб келмоқда, ниҳоятда сўлим бир палла эди. Ўшанда ижод қувонч-ташвишларидан суҳбатлашиб, тунни ярим қилибмиз. Зулфия опамлар: "Ухлайлик энди, эртага ишга боришингиз керак", дедилар мени аяб, ўзлари эса ёрқин хотиралар таъсирида кўзлари чақнаб, руҳлари қушдек енгил, гўё энди бир неча лаҳзаларга илҳомбахш онлар ила ёлғизлик истаётганга ўхшадилар. Шунда мен:

— Зулфия опа, бу боғларга қараб туриб, куз шоми ҳақидаги лавҳангизни эсладим. Кўриниб турибди, уйқу биздан қочиб кетди. Ростдан ҳам қаранг-да, — деб шеърни ўқий бошладим:

Шом келар узоқлардан бўшанган боғ қўйнига,
Йўл-йўла ичиб шуъла.
Тўкилар осилишиб зафар барглар бўйнига
Ёз тўқиган ашула.

Ўз ҳолига кексарган ҳар дарахтда бир гулхан,
Тавсиф йўқ менда рангга.
Бетховен мусиқаси гўё борлиқни тутган,
Ер-кўк мафтун жарангга...

Албон қўшиқдай лов-лов ёнади ниҳол гилос,
Кузранг чеҳрамда акси.
Токда чайқалса боғбон унутган бир бош чарос...

Хотирам панд бериб, сўнгги сатрни уч марта такрорладим. Шунда... шеър руҳига аллақачон кириб бўлган ва ҳар лаҳзани ҳарорат ила юрагидан ўтказаётган Устоз ўзларигагина хос таъсирчан, поэтик овозлари билан давом этдилар:

Токда чайқалса боғбон унутган бир бош чарос,
Қалбимда ширин рақси...

Албон қўшиқдай лов-лов ёнади ниҳол гилос,
Кекса сумбатда бардош.
Наздимда, урушларда бева қолган жувонлар,
Бардошда унга тенгдош...

Устоз овозлари тўлқинланганича кейинги сатрни икки бор ўқидилар. Кўзларида, катта-катта, қоп-қора, чиройли ва мафтункор нигоҳларида ярқ этган юлдуз чақнаши бу адл ва расо жуссадаги мен номини таърифлашга сўз тополмаганим матонат қасрини бир лаҳзага ёритиб ўтгандай бўлди. Билмадим, нима учун матонат дедим. Ўша нигоҳ ҳозир ҳам кўз ўнгимда. Кейин ҳам бу ҳақда кўп ўйладим ва ўзимча топдим ҳам. Ўша учкун, менимча, эллик йиллик ҳижрон қўли тиклаган матонат қасри қуббасига урилган туйғулар жаранги эди...

Сўнг... суҳбатимиз ижод машаққатлари — таржима, сўз қадри ҳақида кечди.

Мавзумиз устозлар, замондошлар томон бурилар экан, мен гап қўшаман:

— Ғафур Ғулом, Миртемир домла, Шайхзода каби устозлар ҳақида фахрланиб гапирасиз. Шундай меҳрмуҳаббатли суҳбатларингизни қайта-қайта эшитгиси келади одамнинг.

— Ҳа, ҳар бир ижодкорнинг юлдузи порлаган, қайтмайдиган, такрорланмас даврлари келади. Бизнинг сафдошларимиз учун урушдан кейинги йиллар ана шундай ўзи келган даврлар эди.

Шеърият гавжум эди. Чустий домла, айниқса, машҳур эдилар ўша замонларда. Ҳар бир инсон, ижодкор вояга етади, даврлар, воқеалар чиниқтиради одамни. Зувалангни ҳаёт ўзи юғираверади. Шоирлик шундай қисматки, бу тун сен ўз ижодхонангда маликасан, туйғулар, ранглар ичра оламга эгасан. Эртасига эса, ўша сатрларингнинг нимасидир ёқмаса, йиртиб саватга ташлашинг ҳеч гап эмас.

Суҳбатимиз яна жонланиб кетади. — Миртемир ака ниҳоятда камтар, меҳнаткаш инсон эдилар — деди Зулфия опа ўзига хос майин табассум билан.

— "Мен бир шеър ёздимми, қайта унинг устидан ишламайман" деб мақтанувчи шоирлар бор. Лекин Миртемир оға фарзандини ҳар гал учратганида, эгни-бошини тўғрилаб қўядиган, ҳол сўраб, кўнгли тўлгач, бор, ишинг билан шуғулланавер, дейдиган оталарга ўхшарди. У киши ҳаётларининг сўнгги йилларида касалхонада эдилар. Ўзлари ётган бўлишларига қарамай, газетанинг буюртмаси ва илтимосига кўра "янги йил сони"га шеър ёзибдилар. Мен ҳам ўша касалхонада даволанаётган эдим. Бир маҳал даҳлизда Миртемир аканинг ўтиб-қайтиб турганларига кўзим тушди. "Зулфияхон!" дедилар. Чиқдим.

— Шу, Мақсуд Қори менга одам юбортирган экан, янги йилга табрик деб. Шуни қоралаб қўйган эдим, бир назарингиздан ўтказиб берсангиз, кўнглим тинчир эди, — дедилар.

Менинг хонамга кирдик, эшикни очиб қўйибман. Столда қоғоз-қалам — ҳаммаси тайёр. "Сиз ўқинг-да, гапиришаверамиз" — деб қўлимга бошқа рангли сиёҳ бердилар.

Мен айтган сўзларга рози бўлиб киритаверишимни илтимос қилдилар. Мен у кишининг хатига қўл теккизолмай, ўзингиз ёзасизми, десам: "Йўқ, Сиз ёзинг" дедилар. Айтганларида туриб, ёздирдилар. Уч қоғозча нарса эди. Охирида, қўл ҳам қўйинг, дедилар. Йўғ-е, дедим. Қўл ҳам қўйдириб қаламни кўкрак чўнтакларига солар эканлар, энди бу табаррук бўлди, дедилар. Кейинчалик улар бошқа шифохонага ўтиб кетдилар. Бу охирги суҳбатимиз эканини ким билибди, дейсиз? Ажойиб табиатлари бор эди. Ўлимларидан олдин роса кутибдилар, ким келса "Зулфияхонимми?" дерканлар. Кеннойига бир боғлам ёзувларни бериб, "Таҳрирга Зулфияхонимга беринг" деган эканлар. Кеннойи бу гапларни армон билан айтганларида мен ҳам ичимда улуғ бир армон туйдим. Лекин мен кеннойига «Эркак кишини, яна Миртемир акадек улуғ зотларни касал пайтида аёл кишининг бориб кўриши аёл томонидан одобсизлик бўлармикан» деб ўйлаганимни айтдим. Ҳақиқатда ҳам у кишидаги улуғворлик шуни талаб қиладигандек эди. Яна бир томони, ўзим ҳам бемор пайтимда эркакларнинг мени келиб кўришлари ўзимга ноқулай туюларди. Шунинг учун ким мени кўришга келмоқчилигини билсам, тузалиб қолдим, уйга чиққанимда келсалар хурсанд бўламан, деб қайтарар эдим.

Миртемир ака ажойиб инсон, ажойиб шоир, жуда ҳам миллий, маданиятли киши эдилар. Ҳеч бир кишининг менга шу қадар ихлос қўйганини эслай олмайман. Раҳматли Миртемир ака ўз даврининг ана шундай бетакрор инсонларидан бири каби бетакрор умр кечирдилар...

Айни Наврўз кунлари ушбу сатрларга нуқта қўяяпману устознинг баҳор чоғларида яшнаб, яшариб кетишлари кўз ўнгимда жонланиб кетди. Ундан бизга ёдгор бўлиб қолган сўзлари гавҳарга айланиб, қалбимизни бойитиб тургандай.

Раъно РАҲМОНБЕРДИ қизи

Таассуф

Тамагирлик балоси

Жиззах шаҳри марказида жойлашган "Орзу" кафеси айни тушлик вақти бўлгани сабабли, хўрандалар билан гавжум эди. Кутилмаганда юз берган ғалағовур атрофдаги кишиларнинг диққатини тезда ўзига тортди. Кафенинг чеккароғига эндигина келиб ўтирган ва ҳали тушлик учун буюртма ҳам бериб улгурмаган фуқароларни номаълум кишилар ўраб олиб, кетма-кет саволга тутишар, "хўрандалар" эса саросималаниб, саволларга тайинли жавоб беролмас, ранги докадек оқарган эди. Бу Миллий хавфсизлик хизмати томонидан вилоят давлат солиқ бошқармаси ходимларининг пора олиш жиноятига чек қўйиш мақсадида ўтказилаётган тадбир эканлиги тезда аён бўлди.

...Жиззах шаҳрида жойлашган "Шоҳрух-Шоҳинур" хусусий корхонаси йўловчи ташиш билан шуғулланиб келарди. 2010 йилнинг 5 май куни вилоят давлат солиқ бошқармаси "Йирик солиқ тўловчилар мониторинги" шўъбаси бошлиғи Ширин Абдураҳмонов ва мазкур шўъба катта инспектори Дилшод Маҳкамовлар томонидан корхонада солиқ қонунчилигига риоя қилиниши юзасидан текшириш ишлари олиб борилади. Иш бор жойда, албатта, хато-камчиликлар, нуқсонлар бўлиши табиий. "Шоҳрух-Шоҳинур" ҳам ана шу камчиликлардан холи эмас эди. ДСБ ходимлари корхонанинг 2007-2010 йиллар давомидаги молиявий хўжалик фаолиятини текшириш билан шуғуллана бошладилар. Корхона фаолияти билан боғлиқ сўралган барча ҳужжатлар корхона раҳбари ҳамда ҳисобчи томонидан тақдим этилади ва ҳужжатлар ДСБга олиб кетилади. Текшириш ишлари ниҳоясида Ш.Абураҳмонов корхона раҳбари Шавкат Ғайбуллаевни ҳузурига чорлаб, "Корхонада бир қатор камчиликларга йўл қўйилган экан, агар камчиликларнинг барини далолатномага киритадиган бўлсак, сизга қийин бўлади", дея илмоқли гап ташлайди. Бунинг учун нима қилишим керак, дея солиқ идораси вакилидан нажот сўрайди корхона раҳбари. Ш.Абдураҳмонов "Агар минг АҚШ доллари берсангиз, камчиликларингизни далолатномага киритмайман", деб бамайлихотир жавоб беради. Ш.Ғайбуллаев бунча пул топиб беришга имконияти йўқлигини тушунтиришга чоғланган эди ҳамки, Ш.Абдураҳмонов "Биз икки кишимиз, шунинг учун пулни иккига бўламиз", деб гапни қисқа қилади. Ш.Ғайбуллаевнинг эса кўнишдан ўзга чораси қолмайди. Бир неча кун қаердан пул топиш, кимдан ёрдам сўрашни билмай юраверади. Яқин танишларидан бири хизмат мавқеидан фойдаланиб, тамагирлик йўлини тутган икки солиқчининг ноқонуний ҳаттиҳаракатлари юзасидан вилоят Миллий хавфсизлик хизмати идорасига мурожаат қилишни маслаҳат беради.

Тезкор ходимлар томонидан тамагирларнинг қилмишини фош этиш ва уларни жиноят устида қўлга олиш режаси ишлаб чиқилади. Холислар иштирокида солиқ идораси вакиллари талаб қилган 2 миллион 250 минг сўм пулга кимёвий ишлов берилади. Ўша куни Ш.Ғайбуллаев Ш.Абдураҳмоновга қўнғироқ қилиб, сўраган пулларни топганини айтиб, бирор жойда учрашишни таклиф қилади. Ш.Абдураҳмоновнинг таклифи билан улар шаҳардаги "Орзу" кафесида учрашадилар. Ш.Ғайбуллаев пул солинган елим халтани Ш.Абдураҳмоновга узатади. Пулга кўз югуртирар экан, Ш.Абдураҳмонов "ҳаммасими" дегандек савол назари билан қарайди. Аммо икки тамагирнинг қувончи узоққа бормади. МХХ ходимларининг тезкор тадбири эгаллаб турган лавозимини даромад манбаига айлантириб олган нафс бандаларининг жиноятига чек қўйди. Порахўрлик жинояти ашёвий далиллар билан ҳужжатлаштирилди.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах вилоят суди Ш.Абдураҳмонов ва Д.Маҳкамовларни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 210-моддаси (пора олиш) 3-қисми "б" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилди. Суд ҳайъати судланувчилар, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатмаларини, тарафларнинг фикрини тинглаб, Ш.Абдураҳмоновни 12, Д.Маҳкамовни эса 10 йилга озодликдан маҳрум этиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Нафс балоси кишини ҳамиша нопок йўллар сари бошлаб кетади. Ҳирс, тама, шахсий манфаатга ружу қўйиш — буларнинг бари инсоннинг қалбини кемирувчи иллатдир. Вужудимизни, қалбимизни бу каби иллатлардан ҳимоя қилиш эса ўзимизга, аниқроғи виждонимизга боғликдир.

Ш. ЖУМАЕВ

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ ГАЗЕТА, ЖУРНАЛ ВА КИТОБЛАРГА ОБУНА БЎЛИНГ!
Телефон: (8 371) 233-08-34
Сайт: www.pochta.uz. E.mail: oao@post.uz

ҚУТЛОВЛАР

Самарқанд шаҳар таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси жамоаси

юртдошларимизни, талаба ёшларни, устоз-мураббийларни қадимий ва ҳамиша навқирон, янгиланиш ҳамда яшариш байрами —

Наврўзи олам *билан чин кўнгилдан муборакбод этади.*

Эзгу ниятлар изҳор этиладиган шу қутлуғ кунда ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз.
Бутун борлиқ яшариб, ер-у кўкда буюк мўъжизалар содир бўладиган ана шундай фараҳли дамларда Наврўз нафаси ҳар бир оилага, ҳар бир инсон қалбига қувонч, шодлик олиб кирсин!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин!

Қўшработ тумани таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси жамоаси

барча ватандошларимизни умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан қутлар экан, юртимиздаги ҳар бир маҳаллаю қишлоқда, оилаларда тинчлик, омонлик ва фаровонлик бўлишини тилайди. Наврўзи оҳам хонадонимизга қут ва барака, ҳаммамизга омад ва бахт келтирсин!

ҚУТЛОВЛАР

Айём арафасида

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Наврўз байрами арафасида Хўжайли туманига "Isuzu" русумли бешта янги автобус келтирилиб, фойдаланишга топширилди. Йил давомида Қорақалпоғистонга яна 85 та ана шундай автоуловларни келтириш режалаштирилган.

АНДИЖОН. Вилоят ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги 8 та ўқув муассасасини Жанубий Корея ҳукуматининг имтиёзли кредити ҳисобидан ўқув-лаборатория жиҳозлари, мультимедиа синфлари, радиотехника ва фотография анжомлари билан таъминланди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш лойиҳаси бўйича олиб келинган ушбу жиҳозларнинг умумий қиймати 475548 АҚШ долларини ташкил этади.

БУХОРО. Шофиркон туманидаги "Нажмиддин Наимжон" хусусий корхонаси хориждан харид қилинган замонавий технологиялар ҳисобига ўн турга яқин нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Айни пайтда корхона қошида қандолат цехи ҳам ишга тушиб, ишловчилар сони 25 тага етказилди.

НАВОИЙ. "Истеъдод-2011" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Миллий қадриятларни эъзозлаш, тарихий анъаналар, урф-одатларни ёшлар онгига сингдириш ҳамда халқимизнинг бой маданияти ва маънавиятини тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган мазкур танлов саккиз йўналишни ўз ичига олди. Ҳакамлар ҳайъати томонидан ғолиб деб топилган 8 нафар ёш санъаткор танловнинг республика босқичига йўлланмаларни қўлга киритди.

СУРХОНДАРЁ. Термиз шаҳрида миллий ва замонавий архитектура услубига эга бўлган янги "Бахт уйи" фойдаланишга топширилди. Қисқа муддатда қуриб битказилган ушбу мажмуани бунёд этиш учун 3 миллиард сўм маблағ сарфланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ. Ангрен шаҳрида "ELBA-DREAM" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада айни пайтда бичув, тўқув, тикувчилик цехлари фаолият кўрсатмоқда. Келажакда корхона фаолияти кенгайтирилиб, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми оширилади.

ХОРАЗМ. "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш мақсадида Урганч шаҳар ҳокимлиги ҳузурида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантиришга кўмаклашувчи ишчи гуруҳи иш бошлади. Шунингдек, ҳар жума куни тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш, бу соҳага оид шаҳар миқёсидаги муаммоларни ҳал этиш, тажрибаларни ўртоқлашиш мақсадида "Очиқ эшиклар куни" ўтказилмоқда. Унда тадбиркорлар билан бирга турли мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, мутахассислар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳам иштирок этиб, зарур маслаҳатлар, тавсиялар беришяпти.

ҚАШҚАДАРЁ. Байрам арафасида вилоятда боғ ва узумзорлар барпо этиш қизғин паллага кирди. Вилоят бўйича аҳоли хонадонларида 18 миллион 465 минг дона кўчат ва қаламчалар экиш, шунингдек, корхона, ташкилот ва муассасалар томонидан 167,6 гектарли боғ-роғлар барпо этиш режалаштирилган. Жорий йилнинг шу кунига қадар аҳоли томонидан 14 миллион 792 минг дона кўчат ва қаламчалар ўтқазилди. Шунинг 6 миллион 554 минг донаси мевали дарахт ва узум кўчатларидир.

Ихтиро

Янги имкониятлар муқаддимаси

Темир йўл вокзали кассаси ёнида навбат кутиб бетоқат бўлаётган, шовқин кўтараётган харидорлар бир кишининг хатти-ҳаракатини кўриб бирдан жим бўлиб қолишади. Негаки, навбати етиб келган бу киши чўнтагидан пул ҳам, пластик карточка ҳам чиқармасдан чипта оладию кетади. Қўлида бир даста пул ёки визаю пластик карточкалар билан турганлар ҳангу-манг бўлиб, унинг ортидан қараб қолишади. Ҳайратларга сабабчи бўлган ўша йўловчи қўл телефонидан бир неча рақамни териб, қаергадир СМС жўнатганини кимдир пайқайди, кимдир эса йўқ...

Бир замонлар боболаримиз ғилдиракни ихтиро қилдилару дўппини осмонга отдилар. Кейинчалик унинг тўрттасини чўпчакка ўрнатиб авравани ясашди. Машина ясашганида эса қувонишди. Эҳ-ҳе, бундан кейин ҳам не-не ихтиролар бўлмади дейсиз: радио, телевизор, кир ювадиган машина, компьютер, интернет... Санайверсак адоғига етиш қийин. Санаб бўлдим, деб турганингизда зеҳнли японлар ёки уддабурон хитойликлар тағин янги нарса ихтиро қилгани қулоққа чалинади. Қисқаси, "тиниб-тинчимаган одамлар" кунда-кунора кўз кўриб, қулоқ эшитмайдиган янгиликлар, ихтиролар билан бир-бирини қувиб ўтишяпти.

Ихтиро деймизми, кашфиётми, хуллас, биз ҳикоя қилмоқчи бўлган янгилик на японлар, на хитойликлар томонидан яратилган. Уни ўзимизнинг қоракўзлар кашф этди. Номи "SMS to'lov". Бу янги электрон тизим бўлиб, Республика Савдо-саноат палатаси ҳузуридаги "SSP-MAROQAND" унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилди. Қулайлиги шуки, барча турдаги тўловларни қўл телефони орқали бир неча сонияларда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун банкдаги ҳисоб рақамингизда пул бўлса бас. Хоҳланг хўжалик тўловларини амалга оширинг, хоҳланг нарса-буюм сотиб олинг! Тўлов амалга оширилгач эса, маблағингиз сотувчи ёки хизмат кўрсатувчининг банкдаги ҳисоб рақамига автоматик тарзда ўтади.

— Тизимни ишга тушириш босқичма-босқич амалга оширилади, — дейди унитар корхона раҳбари Бахтиёр Абдуллаев. — Дастлаб коммунал тўловлар, мобиль компаниялар, интернет провайдерлар, такси хизматлари учун жорий қилинади. Кейинчалик дўкон ва бозорларда харидни амалга ошириш, аэропорт ҳамда темир йўл вокзалларида чипталарни брон қилиш, сотиб олишда харидор ва хизмат кўрсатувчиларга қулайлик туғдириш мақсадида татбиқ этилади. Умуман олганда, пул муомаласи билан боғлиқ барча мақсадларда тизимдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун савдо шохобчалари, хизмат кўрсатиш жойлари ихчам, симсиз терма принтерлар билан таъминланади. Терма принтер, яъни терминалларнинг ўрнини босувчи қўл телефонидан сал каттароқ қурилма бўлиб, уни ўзимиз билан бемалол олиб юра оламиз. Соддароқ қилиб айтганда, кўчма савдо-сотиқ жойларида ҳам ундан фойдаланиш мумкин.

Дарвоқе, ривожланган мамлакатлар тажрибаси ўрганилганда шунга яқинроқ тизимлар, масалан, мижоз қўл телефони ҳисобидаги маблағдан савдо ва хизмат кўрсатишда фойдаланиш мумкинлиги кузатилган. "SMS to'lov"га ўхшаши эса ҳали бирор давлатда қайд этилмаган. Демак, биз бу бора "ҳеч кимдан кам эмасмиз", деб бемалол айтсак бўлаверади.

Фозил ЖАББОРОВ,
«Hurriyat» мухбири

ҚУТЛОВЛАР

Фарғона шаҳридаги «Тонг-96» хусусий корхонаси жамоаси

бунёдкор халқимизни байрам билан қизғин муборакбод этади.

Ҳар бир хонадондан тинчлик-омонлик, файз-барокат аримасин. Хуш кайфият, равнақ ва омад барчамизга доимий йўлдош бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат Халқ банкининг Хоразм вилоят филиали жамоаси

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини, мижозлари ва ҳамкасбларини меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва барқарорлик тимсоли бўлган, халқимизнинг умрбоқий анъаналари, удумлари мужассамлашган Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида Наврўзнинг қадами барчамизга хайрли бўлсин!

Қорақалпоғистон гидрогеология мелиоратив экспедицияси жамоаси

Наврўз байрами муносабати билан барча азиз ватандошларимизни самимий табриклайди. Гўзаллик ва нафосат байрами қалбларимизда чексиз қувонч уйғотаверсин. Бахт-саодат барчага ёр бўлаверсин!



ХОРАЗМ ВИЛОЯТ «ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» ЖАМОАСИ

Наврўзи олам муборак. Азиз ҳамюртлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч ва баҳорий кайфият тилаймиз.



«Ғарбгазтаъминот» унитар корхонаси Бухоро туман филиали жамоаси

гўзал ва бетакрор юртимизнинг меҳнатсевар халқини Наврўз байрами билан қизғин табриклайди. Осмонимиз мусаффо бўлсин, дилларимиз баҳор гулларидек яшнаб турсин.

Наврўз нафаси йил бўйи қалбимизни тарк этмасин!

ҚУТЛОВЛАР



Самарқанд вилоят «Маърифатпарварлар» жамияти жамоаси

она юртимизнинг барча фуқароларини ўлкамизга ўз сепини ёйиб келаётган фасллар келинчаги — баҳор даракчиси, меҳр-мурувват ва эзгу амаллар айёми — Наврўзи олам билан табриклайди.

Юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир хонадонида байрам шодиёналари бардавом бўлсин.

Истагимиз юртимизни баҳор чечаклари ифори, кувончу шодликлар жаранги ҳеч қачон тарк этмасин.







Самарқанд вилоят Ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармаси жамоаси

халқимизни қадимий ва навқирон айём – Наврўзи олам билан чин юракдан қутлайди.

Ватанимиз осмони ҳамиша тинч, меҳнаткаш ва фидойи халқимиз доимо омон бўлсин!

«Хонқадонмаҳсулотлари» акциядорлик жамияти жамоаси

барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Наврўз йилнинг бошланиши экан, ушбу кун тантанали ва тўкин бошланса, йил бўйи шундай бўлади. Эзгу ниятлар изҳор этиладиган бугунги қутлуғ кунда биз ҳам Яратгандан ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-саодат ва осойишталик тилаймиз.

«Янгибозор пахта тозалаш» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

она диёримизнинг барча фуқароларини янгиланиш, уйғониш, поклик ва эзгулик байрами — Наврўз айёми билан мубораквод этади. Хонадонларингизга тинчлик-тотувлик, хайру барака, баҳорий кайфият ва бахт-саодат тилаймиз.

ҚУТЛОВ

UT BANK

Uzbekistan-Turkish bank

Ўзбекистон халқини, ҳамкор ва мижозларини умумхалқ байрами, яшариш, янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Энг ёруғ орзу ва умидларингиз ушалаверсин, Наврўз шукуҳи йил бўйи қалбларимизни тарк этмасин!

МАДАНИЯТ

Ватанимиз мустақиллигининг 20 йиллигига

Довон ва даврон

Айни кунларда халқимиз Наврўз байрамини катта қувонч билан нишонламоқда. Унинг ҳар қачонгидан туйғуларга бойлиги, шукроналик ҳислари, орзу-умидларимиз парвозининг баландлиги, кўзланган мақсадларимизнинг беғуборлиги мамлакатимиз мустақиллигининг шонли 20 йили давомида эришилган юксак муваффақиятлар билан уйғундир.

Шундай тароватли дамларда таваллудининг муборак етмиш йиллигини қаршилаб турган халқимизнинг ардоқли шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг кўнгил кечинмалари билан сиз азизларни ошно этиш мақсадида ушбу суҳбатни эътиборингизга ҳавола этяпмиз.

— Халқимиз тарихидаги энг буюк воқеалардан бири, бу, шубҳасиз, Истиқлолга эришганимиздир. Негаки, бугун мустақилликнинг шарофати, фазилати кириб бормаган бирорта соҳа йўқ. Энг муҳими, у халқимизга — миллатимизга азалий ҳуқуқини қайтарди. Ва бу ҳуқуқ бетакрор Ўзбекистон Давлати қиёфасида бугун бутун ер юзида танилиб турибди.

Мустақиллигимизнинг илк лаҳзаларидан бошлаб ўтаётган кунларимизнинг барчасига мен ҳам гувоҳман. Ҳар йилимиз асрларга татигулик бўлаётир. Бир мисол: ўтган йили Деҳқонобод туманига бордим. Бу ерда минг йиллик тарихда учрамаган афсонавий даражадаги улуғ ишлар бўлмоқда. Ҳатто тоғларга темир йўл ўтказилди. Баланд чўққига ўрнатилган улкан паровоз нусхаси бу буюк ишга қўйилган обида кабидир. Ана энди мана бу жиҳатга эътибор қилинг: жаҳон бозорида бир челаги фалон доллар турадиган камёб калий манбаси юртимизда мавжуд экан. Шахтага тушиб, калийчилар билан суҳбатлашдик ҳам. Ишончим комил, бу тоғлар бағрида яна ўнлаб, юзлаб конлар очилажак.

Мен хизмат сафарлари билан Жанубий Корея, Япония ҳамда Америка ва Европадаги кўплаб тараққий этган давлатларда бўлганман. Тўғри, ҳамма жойда ҳам осмонўпар иншоотлар қурилади. Шубҳасиз улар катта тараққиёт белгисидир. Аммо мамлакатга қишлоқларда меҳнат қилаётган аҳоли, юрт бойлигини яратаётган боғбонлар, деҳқонлар, фермерларнинг яшаш турмушига қараб ҳам баҳо берилади. Европа қишлоқлари устидан самолётда учаётганимда иллюминатордан пастга қараб ихчам ва чиройли уйларни кузатардим. Улар кишида худди чизилган суратдек таассурот уйғотарди. Ўша сонияларда қишлоқларимизни ўйлаб қолардим. Шукурки, бугун бизда ҳам чиройли ва бежирим замонавий уйлар барпо этиляпти. Тоғлар, чўллар бағрида қурилган янги коллежлар, мактабларни кўриб, қувонаман. Уларга қараб, гўё Тожмаҳални кўргандек бўламан.

Давлатимиз раҳбари ҳамма нарса тақдосда аён бўлади, деб таъкидлайдилар. Дарҳақиқат, бу жараён бир қарашда одатий ҳолдек кўриниши мумкин. Аммо буларни аввалги манзаралар билан таққослаб кўрсак, ниҳоятда катта мўъжизага дуч келамиз. Биргина мисол: чекка-чекка гўшаларда яшаётган одамларимиз узоқ йиллар давомида пана-пастқам кўчаларда, омонатгина чайлаларда кун кечириб келди. Савол туғилади: не-не муаззам обидаларни қурган ушбу халқ нега аянчли аҳволга тушган эди? Чунки у яшаётган уй ҳам, меҳнати сингаётган ер ҳам асло ўзиники бўлган эмас. Агар кимдир пишиқ ғиштдан уй барпо этса ёки уйининг тепасида айвон қурса, у «буржуй» деб сўровга тортиларди. Афсуски, ота-боболаримиз умр бўйи кимларнингдир қошқовоғига қараб, батраккa ўхшаб яшаб ўтдилар. Юртбошимизнинг ўзи бугун — эй биродар уйингни қур, етти пуштингга етсин, — деб уқтирмоқдалар.

Шаҳарларимиз-ку тамомила бошқа қиёфа касб этди. Эллик йилдан ортиқ пойтахтда яшаётган бўлсам ҳам, ҳозир кўчага пиёда чиқсам адашиб қоламан. Ҳар ёнда янги-янги иморатлар, бирбиридан гўзал бинолар қад кўтариб, шаҳримиз қиёфасини буткул ўзгартириб юборди. Бунёдкорлик юртимизни яхлит марварид шодаларига айлантириб турибди. Шундай шукронали кунларда узоқ йилларни, сафдошлар, устозларни хотирдан ўтказаман. Қодирий, Фитрат, Чўлпонлар ватаним бор, миллатим бор, тилим бор дегани учун отиб ташланди. Машҳур бўлмаган қанчадан-қанча миллат фарзандларининг эса, ҳатто исмлари ҳам номаълумлигича қолиб кетди.

Ҳуррият ўз-ўзидан келган эмас. Бу зафар қанча-қанча курашлар, йўқотишлар эвазига тарихий ҳаққимиз сифатида келди. Мазкур тафсилотларни ёдга олиш, аввалambор, ўзимизга зарур. Қолаверса, ёшларга, ундан кейин туғилиб, улғайиб келаётган авлодларга керак. Бундай воқеаларни эслашдан мурод, мустақиллик бизга нималарни берганини яна бир карра эслатишдир. Бир замонлар Ўзбекистон давлат деб ҳисобланарди. Гўёки раҳбари, вазирликлари бор эди. Лекин бирор ерда унинг ўз элчихонаси бўлган эмас. Ёки мадҳиясини олайлик. Тонг саҳарни «Ассалом, рус халқи, буюк оғамиз деб» бомдод номозидан олдин бошқа қавмга ибодат қилишдан бошлардик. Тунда болишга бош қўйишдан олдин ҳам бу ҳол, албатта, такрорланарди.

Шу маънода ўтган асрдаги халқимиз бошидан кечирган воқеалар, ҳодисаларни XX аср латифалари, деб атагим келади. Чунки уларга ҳозирги ёшлар ишонмасликлари мумкин. Наҳотки, қадимий улуғ халқимиз шу қадар камситилган бўлса, деган фикрга боришлари табиий.

Маълумки, жаҳоншумул динлардан бири — Ислом динининг асосий ҳимоячилари, асосий тарғиботчилари, асосий олимлари ўзбек заминида туғилиб, яшаб ўтганлар. Бу диннинг асосий мактаби, дорилфунини Марказий Осиё — Мовароуннаҳрда, аниқроғи, юртимизда шаклланди. Хорижда азиз-авлиёларимизнинг қадамжолари, мақбаралари азизлигининг сабаби шундандир. Имом Бухорийнинг «Ал жомеъ-ас-саҳиҳ» асари Қуръондан кейинги энг мўътабар китоб ҳисобланади. Ер юзи мусулмонлари аввал Макка-ю Мадинага боришни орзу қилсалар, кейин айнан Самарқанддаги Хартанг қишлоғи яқинига дафн этилган Имом Бухорий даҳмасига келишни, бу муборак зотнинг қабрини зиёрат қилишни истайдилар. Афсуски, шундай табаррук зот дафн қилинган, Яратганнинг нури билан зийнатланган бу маскан бир замон ачинарли даражада ташландиқ эди. Бунга ўзим гувоҳман.

Шунақа вазиятлар бўлганки, бирор лавозимда ишлаётган шахс, ҳатто, ўз яқинларининг жанозасига қатнашса ҳам ишдан ҳайдалар, сазойи қилинарди. Ҳатто, ота-оналари оғирлашиб қолган айрим одамлар Қримгами, Москвагами хизмат сафарига ёки дам олишга жўнаб кетганини ҳам биламиз. Чунки улар ота-онасининг жанозасига қатнашса, ишдан ва партиядан ҳайдалиши тайин эди-да. Адабиётда ҳам фақат иккита — оқ ва қора ранглар мавжуд эди. Саҳна асарларидаги конфликт — эр ва хотин жанжалини ҳам, албатта, партком келиб бартараф этиши керак эди. Ёки, мевали дарахтлар учун ҳам солиқ солинганини эслайлик. Ортиқча даҳмаза кимга керак? Ўшанда одамлар ҳатто мевали дарахтларини кесиб ташлаганлар.

Халқимиз бошидан кўп савдоларни кечирди. Ушбу кечмишимизни ҳозиргилар билиши, ҳис қилиши керак. Биргина тилимиз тарихига назар ташласак, она забонимизда сўзлашиш ўтган асрнинг 70-йилларидан кейин уятга айлана бошлаганди. Баъзилар наинки кўча-кўйда, балки оддий мулоқотда ҳам ўзбекча гаплашишдан орланарди. Мажлисларимиз, ҳатто Ёзувчилар уюшмасининг йиғинлари ҳам бошқа тилда ўтказиларди. Шеърларимизда «темир» сўзи учраб қолса, айрим муҳаррирлар уни «алюмин»ми, «чўян»гами айлантирайлик, Амир Темурни эслатмасин, дердилар. Мен ушбу таассуротларни бошқа суҳбатларда ҳам муттасил равишда эслатиб келаман. Буни ўзимнинг фуқаролик бурчим деб ҳисоблайман. Мазкур гапларни авлодлар латифа сифатида қабул қилиши мумкин. Аслида ўша кунларни биз кўрганмиз. Жасур Юртбошимиз халқимиз — миллатимиз кўнглидаги орзуларни жамлаб, байроқ қилиб дадил кўтардилар. Улуғ аждодларимиз, жумладан, Соҳибқирон Амир Темур ҳазратларидан мерос — миллатпарварлик, эзгулик, жипслик ғояларини муқаддас деб эълон қилдилар. Шўро империяси даврида биринчи бўлиб Юртбошимизнинг жасорати туфайли ўзбек тилига давлат мақоми берилди. Бу эса, ўз тарихимизда зарҳал ҳарфлар билан битилган абадий ҳодисадир.

Муҳтарам Президентимиз ўтган йили Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида қилган маърузаларида Ўзбекистонимиз истиқболи, мамлакатимизнинг буюк келажаги ҳақида аниқ йўл-йўриқлар асосида батафсил фикр юритдилар. Қаранг, тарих учун қисқа бир муддат — 20 йил ичида республикамиз ер юзида етук мамлакатлардан бирига айланди. Мен кўпгина воқеаларга гувоҳ бўлганман, омадим эса, халқимиз орзу қилган кунларга етишганимдир.

Ҳозирги пайтда дунё бўйлаб катта ислоҳотлар даври кечмоқда. Булар глобал мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятга молик. Аммо умуминсоний муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, китоб ўқилмаяпти, деган гапларни мен Италияда ҳам, Германияда ҳам, Россияда ҳам эшитганман. Сабаби Интернет бор-ку, дейишади. Лекин у китобнинг ўрнини боса оладими? Ахир китобнинг ўз ҳиди бор...

Шахсни учта жиҳатга қараб баҳолаш керак, деб ўйлайман. Булар: илм, истеъдод ва тажриба. Ана шу учови бор жойда тараққиёт бўлиши шубҳасиз. Бироқ, дунё миқёсида уларнинг ўрнини мол-дунё, зўравонлик ва мансаб эгаллаб олган ҳолатлар кўп учраб турибди. Одам боласи маънан тубан бўлса, қолган нарсаларнинг кимга кераги бор?

Муҳтарам Президентимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарида илгари сурилган ғояларни ўқиб-ўрганган ҳар кимнинг ақлу идроки, онги, албатта, ярқ этиб очилади. Келажакка, дунёга янада теранроқ назар билан қарай бошлайди.

Кўкламга етишганда она табиатнинг ўзи қувониб кетади. Замин шоду-хуррамлик тўнини эгнига илади. Теграмизда бойчечагу, бинафшалар бўй таратади. Бу эса улуғ саодатдир.

«Hurriyat» мухбирлари
Ислом СУЛТОНОВ ва
Иномжон АБДИЕВ ёзиб олди

ТЎЙ КЎПКАРИЦА УЛАНДИ

Юртимизда Наврўз айёми олдидан меҳр-мурувват тадбирларини ўтказиш, эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ ишлар ҳажми янада кенгаяди. Ана шундай хайрли тадбирлардан бири Тошкент вилояти Оҳангарон тумани марказида бўлиб ўтди.

20 нафар кам таъминланган ва боқувчисини йўқотган оила фарзандларининг суннат тўйи саховат байрамига айланди. Ҳомийлар томонидан тўй болаларнинг ҳар бирига махсус ҳисоб-рақамлари очилиб, омонат дафтарчалари тақдим этилди. Тўй тантаналари Озодлик қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги қир-адирларга кўчди. Бу ерда ўтказилган улоқ-кўпкарида юздан зиёд чавандоз ғолиблик учун кураш олиб борди.

Республика Улоқ-кўпкари федерацияси томонидан ташкил этилган мусобақада тўйтепалик чавандоз Рустам Қурбоналиев улоқни тўрт маротаба маррага ташлаб, биринчи ўринни эгаллади.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган суратлар



«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ
1992-2010 йилларда чиқарилган Ўзбекистон почта маркалари, блок ва кичик варақларнинг мавзули ва йиллик тўпламларини кляссер ва буклетларда сотувда мавжуд
ПОЧТА АЛОҚАСИ ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!
Телефон: (8 371) тел.: 233-70-33; факс: 236-36-48
Сайт: www.pochta.uz, E.mail: oao@post.uz

HURRIYAT
MUSTAQIL GAZETA

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2. ISSN 2010-7528

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Электрон манзил: hurriyat@doda.uz

Таҳририятга келган хатларга ёзма жавоб қайтарилади.

Телефонлар: 236-53-31, 236-56-38, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Қорақалпоғистон Республикаси — 8-361-505-19-11
Андижон — 8-374-250-90-39
Бухоро — 8-365-592-85-02
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Қашқадарё — 8-376-396-30-59
Сурхондарё — 8-376-396-30-59
Фарғона — 8-373-215-80-58
Хоразм — 8-362-291-48-44
Навоий — 8-436-742-78-70

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти —
Топширилди —

® — тижорат белгиси.

Адади: 9561 Буюртма — Г-326 1 2 3 5